Ko'pgina o'qituvchilar o'z amaliyotlarida shunga tayanadi va bunday texnologiyalarni joriy etish kafolatlangan natijalarga erishishga yordam beradi. O'quv jarayoni va darsdan tashqari tadbirlar davomida zamonaviy texnologiyani tanlash o'qituvchi va o'quvchilar tomonidan ma'lum bir bosqichda belgilangan maqsad va vazifalarga erishishda muhim rol o'ynaydi. Zamonaviy texnologiyalardan foydalanishning asosiy maqsadi muammoni hal qilish uchun variantlarni tanlash va motivatsiyani ta'minlashdir. Nutqning rivojlanishi esa fikrlashni rivojlantirishga parallel ravishda ketishi kerak va bu talabalarning yosh xususiyatlariga mos keladi va umumiy o'sishiga hissa qo'shadi. Ushbu tamoyil o'qituvchi talabalarga ta'lim berish jarayonida yetakchi rolni egallaydi. Yuqoridagi muammolarni hal qilishda o'qituvchilar o'zlarining amaliyotda noan'anaviy usullardan ijodiy foydalanishkerak.

Darsda siz boshqa innovatsion usullardan foydalanishingiz mumkin internet, video kabi texnologiyalar. Ushbu ish shakllarining afzalliklari quyidagilardan iborat:

-Malaka va ko'nikmalarni takomillashtirish;
-Talabalarni fanga yanada qiziqishini ortirish;
-Yoshlarni eng so'nggi texnalogiyalar bilan tanishtirish;
-Motivatsiya va qiziqishni oshirish;
-Yoshlarni innovatsiyalar yaratishga jalb qilish;

O`qitishda ijodiy nutqiy fikrlash faoliyati dialogik muloqot, shuningdek, innovatsion texnologiyalar bilan ishlash o'quvchilarning qiziqishini oshiradi va talabalarga past darajalilarni ham jalb qilish imkon beradi. Faol ta'lim haqiqatga asoslanadi. Talabalar muammoli vaziyatlarni hal qilish zarurati bilan real hayotda tobora ko'proq duch kelishmoqda. Internetdan foydalanish texnologiyalari istiqbollari bugungi kunda ancha keng. Innovatsion integratsiyaning asosiy vositalari bo'lgan texnologiyalarni o'qitish jarayoniga kiritish va bunda foydalanish mumkin bo'lgan birinchi yangilik smart taxtalardan foydalanishdir. Ular talabalarning mavzularni yaxshiroq tushunishlari va xalqaro Internet konferentsiyalar, vebinarlar, onlayn-seminarlar va boshqa tarmoq loyihalari bilan ishlashda foydali hisoblanadi. Bunday ishlar o'qituvchi va talabalar tomonidan birgalikda amalga oshirilishi mumkin. Bundan tashqari, turli mamlakatlardan kelgan o'qituvchilar o'rtasida taqdimotlarni almashish mumkin.

Pedagogik tajriba shuni ko'rsatadiki, ish jarayonida internet resurslaridan faol foydalanish va yangi taqdimotlarni ko'rish uchun taqdim etish talabalar uchun qiziqarli. Yana bir usul teskari sinf usuli, o'qituvchi darsning passiv a'zosi sifatida ishlaydi, talabalar esa dars uchun oldindan material tayyorlaydilar va o'z guruhi oldida taqdim etadilar. Aynan shu vazifa o'z natijasini beradi. Talabalarning o'zaro munosabatlarini rag'batlantirish va talabaning qiyin atamalar bilan tanishishi va ularning kasbiy faoliyatida foydali bo'lgan ma'lumotlarni qidirib topishi unda yangi g'oyalar keltirib chiqaradi. Texnologiyani sinfga olib kirish o'qituvchilarga yangi o'qitish strategiyalarini sinab ko'rishga yordam beradi. O'qituvchilar muhim dars rejalari, eslatmalar, audio kabi manbalar daars jarayonida ko'plab qulayliklar tug'diradi. Talabalar ham keyin har qanday vaqtda bunga o'zlarining qulay vaqtlarida qayta kirishlari mumkin. Bundan tashqari o'qtuvchilar mashg'ulot vaqtida kompyuter, proyektor, printer, ko'rgazmali qurollardan foydalansa dars ijobiy tus oladi.

ADABIYOTLAR

1. "YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI TO'G'RISIDA"gi O'zbekiston Respublikasi qonuni, 14.09.2016 yildagi O'RQ-406-son

2. Ta'lim tizimida innovatsion texnologiyalardan dars jarayonida foydalanish

3.https://www.google.com.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ "ЭЛЕКТРЭНЕРГЕТИКА" ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИГА МУТАҲАСИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ

Юсупов Дилшод Рашидович
НамМҚИ т.ф.ф.н. PhD доцент

Эргашев Ғофуржон Мўйдинович
НамМҚИ, ўқитувчи

Аннотатция. Мақолада олий таълим муассасаларида "Ўткинчи жараён" фанида компьютер дастурларидан фойдаланиш методикаси хусусида сўз юритилади.

Аннотатция. В статье рассмотрена методика использования компьютерных программ на уроке переходные процессы в высших учебных заведение.

Annotation. In the article methodology is considered the use of the computer programs on a lesson transients in higher educational establishment.

Таянч сўзлар: Педагог техналогия, ахборот коммуникация, виртуал тажриба, ўткинчи жараён, Mat LAB дастури, электр тизим, аварияли жараён, қисқа туташув.

Ключевые слова: Педагогический технология, информационное коммуникация виртуальная лаборатория, переходной процесс, программа Mat LAB, электрическая система, аварийный процесс, ток короткого замыкание.

Key words: Pedagogical technology, information communication virtual lab, the process of transition, the program Mat LAB, the electrical system, the emergency process, short circuit current.

Замонавий таълим соҳасини яратиш давлат, жамият, олий мактаб олдида турган энг муҳим вазифадир. Мутахассисларни тайёрлаш муаммоси мутлақо янги илмий-педагогик асосни талаб қилади. Олий ўқув юртлари тамойиллари ва вазифаларини амалга ошириш нафақат талабаларнинг таълим фаолияти мазмуни, шакллари ва усулларини ўзгартиришни, балки ўқитувчининг фаолиятини тубдан ўзгартиришни, педагогик жараёнда мавжуд бўлган анъанавий ёндашувларни қайта кўриб чиқишни ўқув

материалини замонавий андозалар асосида тайёрлашни ўз ичига олади. Сўнгги йилларда янги ижтимоий шароитларда ишлашга қодир бўлган, турли педагогик вазиятларни ҳал қилишда ноанъанавий ёндаша оладиган, талабалар билан атрофлича фикирлаша оладиган ва замонавий таълим технологиялари асосида ўқув материалларини ярата оладиган ўқитувчига эҳтиёж ортиб бормоқда.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги Фармони тасдиқланиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 октябрдаги Ўзбекистон Республикасида “Илм фан ва илмий фаолияттўғрисида” гиқонунини қабул қилиниши ва унда, “...олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни кредит-модул тизимига ўтказиш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш”...[1] бизнинг тадқиқотчиларга жуда катта масъулият юклатилганлигини ва ўз билим салохиятларини такоминлаштириб янги билимлар эгалашлари зарурлигини кўрсатди. Ривожланган дунёда мамлакатларнинг асосий такомиллашув механизми рақобат бўлиб, у инсонни доимо юксаклик, комилликка, баркамолликка ундайди. “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида инновацион ва технологик ғояларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг инновацион технологияларни яратиш борасидаги ташаббускорлигини ошириш юзасидан аниқ чоралар кўриш вазифаси белгиланган.

Маълумки 5310200 – “Электр энергетика” таълим йўналиши умуммуҳандислик фанларидан бири бўлган “Ўткинчи жараёнлар” фанидан маъруза, тажриба ва амалий машғулотларини олиб бориш жараёнида турли амалий ишларни бажариш ва уларни натижаларини олишда бир қатор қийинчиликлар мавжуддир. Мураккаб амалий ва тажриба машғулотларида, маърузада олинган назарий билимлардан фойдаланиб, электр занжир ва қурилмалар элементларида содир бўладиган электро магнит ва электрик жараёнларни тахлил қилишни ҳамда олинган натижалар асосида янгиликларни яратишга итилишга ўрганилади.

Техник фанларни ўрганишда амалий ва тажриба машғулотларини талабаларга берадиган энг аҳамиятли махсули – бу назарий билимларни амалда қўллай олиши, муҳим хусусиятларини кўра олиш кўникмаларини хосил қилишдир. Фанни ўзлаштиришдаги асосий муаммо талабалар томонидан бажарилиши керак бўлган электр тизим куч элементларида содир бўладиган ўткинчи жараёнларни тахлил қилишда тажриба стенд элементлари юқори кучланиш элементлари бўлганлиги ва содир бўладиган жараёнларни тасаввур қила олмаслиги, фанни ўрганишда долзарб муаммо хисобланади. Муаммони хал қилиш ва талабаларни ўз сохасига бўлган қизиқишларини ошириш ва мустақил фикрлашларини ривожлантириш мақсадида электр тизимида содир бўладиган нормал ва авариялы жараёнда холат параметрларини ўрганишини Mat LAB дастури ёрдамида бўлғуси муҳандислар тажриба схемалари асосида натижаларни олиш имкониятига эга бўладилар. Mat LAB дастурини имкониятларидан бири инсон ҳис қилмайдиган жуда катта тезлик, яъни қисқа вақт оралиғида содир бўладиган жараёнларнинг секинлаштириш имкониятига эга.

Талабалар виртуал тажрибаларни тайёрлашда электр тизим элементлари тузилиши, ишлаш принципи, куч ва бошқариш элементларида содир бўладиган жараёнларни таҳлил

қилишни ўрганиши, уларда кўникма ва малакаларни шаклланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. (2)

Электр тизимидаги кечадиган электромагнит ўткинчи жараёнлар содир бўлишига олиб келадиган таъсирлар турларидан энг кўп учрайдиганлари қуйидаги сабаблар туфайли пайдо бўлиши мумкин:


1. Электр системада юкламаларини улаш ва узиш;
2. Электр системада содир бўладиган қисқа туташув(ҚТ)нинг барча турлари;
3. Электр системада турғунлашмаган (ҚТ) ни учириш;
4. Авария холатида учирилган элементларни. Занжирни ва фазани кайта улаш;
5. Электр системада кузатиладиган маҳалий бўйлама носимметрикларни пайдо бўлиши;
6. Синхрон генераторларни ўз-ўзини синхронлаш ва синхронлаш шартини бажармасдан системага параллел ишлашга улаш;
7. Синхрон генераторлар ва синхрон компенсаторлар қўзғатиш токини жадал (форсировка) ошириш ва қайта камайтириш (расфорсировка);
8. Электр системада кузатиладиган ҚТ–ни ўчиришда кузатиладиган ўчиргичлар контакларида кечикиш;
9. Электр системадаги турли коммутациялар.



Электр системада симметрик ва носимметрик қисқа туташув деб системанинг нормал ишлаш холатларига мувофиқ бўлмаган ҳар қандай фазалараро қисқа туташув ва нейтрали заминланган системаларда эса бита ёки бир нечта фазаларнинг ерга туташишига айтилади.

Маълумки электр системада кучланиши 35 кВ –гача бўлган тармоқлар ва тармоқ элементлари нейтрали изоляцияланган (заминланмаган) ёки мословчи индуктив қаршилик орқали заминланган бўлади. Кучланиши 35 кВ ундан юқори кучланишли системаларда эса системанинг нейтрали заминланган бўлади. Шунга эътибор бериш лозимки, токнинг нолинчи кетма – келигига бўлган индуктив қаршиликнинг тўғри кетма – кетлик индуктив қаршилигига бўлган нисбати доимо қуйидаги шартни бажариши лозим ($Xo/X_1 \leq 3$ бўлиши керак). Нейтрали заминланган системанинг бирорта фазасининг ерга туташиши оддий қисқа туташув деб номланади. Кўпинча қисқа туташув нуқтасида электромагнит ўткинчи жараён таъсирини эътиборга олувчи ўткинчи индуктив қаршилик вужудка келади. Бу қаршилик ҚТ пайтида пайдо бўлган электр ёйининг ёниш шароитига қараб унинг қаршилигининг ўзгаришини ҳисобга олсак, ўткинчи қаршилик фазалараро ёки фаза билан ер аросидаги қаршиликлардан ташкил топган холларда электромагнит ўткинчи жараён тахлилини енгиллаштириш мақсадида ўткинчи қаршилик миқдори анчагина кичик бўлиши мумкин деб фараз қилинади. Шунинг учун айрим холларда системада қисқа туташув пайтидаги электромагнит ўткинчи жараённи тахлил қилишда эътиборга олмаса ҳам бўлади.

Электр тизмда содир бўладиган қисқа тутиашувларнинг турлари ва уларнинг пайдо бўлиш эхтимоли 1-жадвалда келтирилган.

Жадвал 1.

Қисқа туташув тури	**Бир чизиқли схемаси**	**Белгиланиши**	**Нисбий содир бўлиш эхтимоллиги %**
Уч фазали		$К^{(3)}$	5
Икки фазали		$К^{(2)}$	20

Икки фазали ерга уланган		$К^{(1,1)}$	10
Бир фазали		$К^{(1)}$	65

Тизимда электромагнит ўткинчи жараёнларни ҳисоблашда ва тахлил қилишда уни соддалаштириш мақсадида қисқа туташувнинг асосий турларини қуйидагича белгилаймиз:

- Уч фазали симметрик ҚТ - $К^{(3)}$;
- Икки фазали фазалараро ҚТ - $К^{(2)}$;
- Бир фазали ерга ёки система нейтралига - $К^{(1)}$;
- Икки фазали ерга ҚТ - $К^{(1,1)}$.

Электр тизимида қисқа туташув пайтида кечадиган электромагнит ўткинчи жараёнга синхрон генераторларда қўзғатишни автоматик ростлагичнинг таъсири изохловчи қисқа туташув токининг типик осциллограммаси келтирилган (расм 1). Электромагнит ўткинчи жараённинг бошланиш даврида иккала осциллограммадаги қисқа туташув токининг ўзгариши деярли бир хил бўлади. Буни шундай изохлаш мумкинки қисқа туташув токининг апериодик ташкил этувчисининг пайдо бўлиши ва унинг синиши статор чулғамининг Т вақт дойимиёсига кўра тезликда бўлса, иккинчи томондан қўзғатиш чулғами ва ҳосил қилаётган даврий ташкил этувчининг ўзгариши қўзгатиш чўлғами ва қўзғатгичнинг қўзғатиш чўлғамининг электромагнит инерционлиги (Тдо).

Шу сабабдан электромагнит жараённинг бошланғич даврида қўзғатишни автоматик ростлагичнинг (ҚАР) унча сезилмайди. Кейинчалик эса электромагнит ўткинчи жараённинг кечиши синхрон генераторда ҚАР ўрнатилмаган ёки ўрнатилишига қараб ҳар хил кечади. Системадаги синхрон генераторда ҚАР ўрнатилмаган бўлса қисқа туташув токининг апериодик ташкил этувчиси сўнгандан кейин статордаги қисқа туташув токи турғунлашган қийматга келади ва унинг амплитудаси қўзғатиш токининг қиймати билан белгиланади. Синхрон генераторда ҚАР ускунаси ўрнатилган ҳолда эса маълум ҚАРнинг инерционлиги билан баҳоланадиган вақт ўтгандан сўнг қисқа туташув токи ўзининг янги турғунлашган холатига эришади. Унинг амплитудаси ҚАРнинг қўзгатиш токини ўзгартириш даражасига боғлиқ.

Электр ускунаси ҳисобий схемаси деганда қисқа туташув токига таъсир этувчи ҳамма элементлар ва параметрлар кўрсатилган бир чизиқли схема тушиналади.

Агар ҳисобий фақат нормал схема учун эмас, таъмирлаш режими, яъни ускуна элементлари қисми (линия,генератор, трансформатор) ўчирилганлигидан бажарилиши керак бўлса, бу ҳисобий схема иловасида кўрсатилиши керак.


Ҳисобий схема ёки иловаларда параметрларни (кучланиш, қаршилик, қувват) номинал қийматлари кўрсатилади. Масалан 1-расмда қаршиликлари қисқа туташув токларини юқори кучланишли ускуналарда ҳисобга олинадиган ҳамма элементлар параметрлари кўрсатилган (линия,генератор, трансформатор)


Баъзи холларда аниқлаштирилган ҳисоб учун схемада юклама параметрлари ҳам кўрсатилиши керак.

Бир киловолтгача бўлган ускуналарда қисқа туташув токларини ҳисоблашда шина, ток трансформатори, рубилник, автомат ўчиргич қаршилиги ҳисобга олиш керак. Параметрлар ҳисобий схемада кўрсатилиши керак. Расимда келтирилган ҳисобий схемада трансформатор билан боғланган бир нечта кучланиш поғоналари мавжуд (115; 10,5 kV).


Ҳисолашларни соддалаштириш мақсадида ҳар бир элект поғона учун ҳисобий схемада уни хақийқий кучланишини ўрнига амалдаги шкала кўрсаткичи бўйича ўрта кучланиш $\mathbf{U_{ўр}}$ кўрсатилади*:* 770; 515; 340; 230; 154; 115; 37; 24; 20; 18; 15,75; 13,8; 10,5; 6,3; 3,15.

Мисол тариқасида 1-расмда энг оддий электр системасида уч фазали қисқа туташув содир бўлиш холати кўрсатилган






1-расм. Қисқа туташув токларини топиш учун ҳисобий схема мисоли: Қурилманинг параметрлари: Т1 ва Т2-ТДН-40000/110, 40 МВ·А, $u_к$=10,5%; Т3-ТД-125000/110, 125 МВ·А, $u_{кт}$10,5%; Т4 ва Т5-ТДТТ-40000/110, 40 МВ·А, $u_{кв\text{-}Pq}$10,5%; Г1 ва Г2-ТВФ-60-2, 75 МВ·А, $x''_{d*(nom)}$=0,146; Г3-ТВФ-100-2, 118 МВ·А, $x''_{d*(ном)}$=0,183; ЛР-РВДГ10-2500-0,25, I_{nom}=2,5 kA, x_r=0,25 Ом.



2-расм.Mat LAB дастурида йиғиш

Талабалар виртуал тажриба схемаларини йиғиш ва ишга тушириш жараёнида электр тизимининг барча ва бошқариш элементларида юз берадиган нормал ва авариялы жараёнларда тизим ва холат параметрларини ўзгаришини кўриш учун тажриба стендини Mat LAB дастурида йиғади. (2 – расм). Виртуал тажрибаларни аҳамиятли томони фанни ўзлаштиришда талаба фан билан бирга компьютердаги Mat LAB дастурида турли электр схемаларни йиғиш ва ишга тушириш жараёнларини ўрганади ва ўз сохаси бўйича 3-расмдаги натижага кўра кўпроқ билим, малака ва кўникмаларга эга бўлади.



3- расм. Натижа

Бу услубда тажриба ишларини ўтказишни яна афзаллик томонларидан бири дарс жараёнида техника ҳавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, бундан ташқари талабаларни ижодий фикрлашга ўргатишга эришилади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, компьютер

дастурлари ёрдамида талабалар ўрганаётган материалларини тасаввур қила олса, ўзлаштириш даражасига эришилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ахборот технологиялари фанини касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси. Методик қўлланма. Тошкент – 2012. 15б.
2. Т.Дадажонов, М.Мухитдинов “Виртуал Электроника” .Тошкент ЎзРФА -2009. 20б
3. К.Р.Аллаев. Электромеханик ўткинчи жараёнлар. Тошкент –«Молия» - 2007. 56б

XI АСР БАҒДОД ОСТОМАКСИОНИ ВА УЛАРНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ЁРДАМИДА ЯСАЛАДИГАН ШАКЛЛАР

Шерзод Абдураҳмонов,
НамМҚИ, п.ф.н., доцент

Ё.И. Эрмуҳамедова
ҚДПИ магистрант

Аннотация. Илмий мақола Абул Вафо Бузжоний (940–998) нинг “Ҳунармандга...” номли китобига номаълум муаллиф томонидан илова қилинган “Мадохил...” номли рисола мазмунини илмий тилда қисқа баён этиб чиқишга бағишланган.

Аннотация. Научная статья посвящена краткому научному изложению содержания трактата “Введение...”, приложенного неизвестным автором к книге “Ремесленнику...” Абул Вафа ал-Бузджани (940 – 998).

Annotation. The scientific article is devoted to a brief scientific presentation of the content of the treatise “Introduction...”, attached by an unknown author to the book “Artisan...” Abul Wafa al-Buzjani (940 – 998).

Калит сўзлар: Бағдод, Байт ал-Ҳикма, Абул Вафо, Архимед стомахиони, “Пифагор” бошқотиргичи, танграм, Колумб тухуми.

Ключевые слова: Багдад, Дом Мудрости, Абуль Вафа, стомахион Архи-меда, головоломка “Пифагор”, танграм, Колумбово яйцо.


Keywords: Baghdad, the House of Wisdom, Abul Wafa, Archimedes' stoma-chion, the Pythagoras puzzle, tangram, Columbian egg.

Йигирма ёшидан кейинги умрини Бағдоддаги Байт ал-ҳикма ҳузурида сермазмун илмий фаолият билан ўтказган Абул Вафо Бузжоний (940–998) яратган ўнга яқин китоблардан бири “Ҳунармандга геометрик ясашлардан ни-малар кераклиги ҳақида” [2] деб аталади. Биз – муҳандислик графикаси мута-хассислари учун бу китобнинг назарий ва амалий аҳамияти беқиёс. Бу китоб-нинг яна бир аҳамиятли жойи – унинг нусхаларидан бирига номаълум муал-лиф ёзган “Фи мадохил ал ашкол илми ташбиҳ ва ал мувофиқат” (“Ўхшаш ва мос шакллар ҳақидаги таълимотга кириш”) номли рисоланинг илова қилин-ганидир (Китоб Париж Миллий кутубхонасида, “Эрон қўлёзмалари” бўлимида № 169 рақами билан сақланади).

Илова-рисола ўша давр китоблари саҳифаси ўлчамларида 20 вароқлик матнни ва айримлари рақамланган саҳифалардаги матнлар ичига жойлашти-рилган, бошқалари матндан ташқарида рақамланмаган саҳифаларда чизилган роса 60 та чизмани ўз ичига олган. Ушбу мақолада ана шу – “Ўхшаш ва мос шакллар ҳақидаги таълимотга кириш” номли рисолада геометрик ясашларга оид ҳолда ҳал этилган айрим масалалар устида тўхталмоқчимиз.

Рисолада чизмаларни ҳосил қилиш асосига қўйилган ғоялар баёнининг Архимед (эр.авв. 287 – 212) кашф қилган “остомаксион” геометрик эрмагига хос жараёнларни эслатишини кўриб, биз рисола номида “Бағдод остомаксиони ва унинг элементлари ёрдамида ясаладиган шакллар” деган маъно англадик. Этимологлар “остомаксион” нинг қадимги юнонча сўзлар бирикмаси эканини, таржимада “ғазаб қўзғовчи” деган маънони англатишини таъкидлашади.

Остамаксион – эни ҳам ва бўйи ҳам 12 тадан квадратдан иборат сатрлар ва устунлардан ташкил топган катакни маълум ўлчамлар асосида 14 та геометрик шаклга бўлиб қўйилган кўринишидир (1-расм, а). Эрмак билан шуғулланиш учун картон




1-расм: а – Архимед остомаксиони, б – Архимед остомаксиони элементаларидан тузилган стандарт геометрик шакллар.



а б

2-расм: а – “Пифагор” геометрик эрмаги элементлари, б – “Пифагор” эрмаги элементларидан тузилган ҳар хил жонворларнинг силуэтлари

вароғида остамаксион квадрати ва шу квадрат ичида тегишли шакллар чизиб чиқилади. Ҳар бир шакл қайчи ёрдамида алоҳида-алоҳида ҳолда қийиб олинади ва эрмак жараёнида қўлланиладиган 14 та бўлакка эга бўлинади. Масала шарти – аниқ ўлчамларга эга бўлган ана ўша 14 та бўлак-дан (биронтасини ҳам четда қолдирмай) янгича шакл ясаш. 1-б расмда Архимед остамаксиони элементларидан йиғилган стандарт геометрик шакллардан мисоллар келтирилмоқда. Пифагор остамаксиони элементларидан булар каби шаклларни йиғиш, албатта осон бўлмаган. Янгидан-янги натижаларни қўлга киритиўда кўпчилик жуда оғир асабий ҳолатларга тушган бўлиши мумкин. Айнан шу туфайли бу эрмакка “остомаксион” (“ғазаб қўзғовчи”) деб ном бер-ган бўлишса керак.



а б

3-расм: а – “Танграм” геометрик эрмаги элементлари, б – “Танграм” эрмаги элементларидан тузилган бошқа хил геометрик шакллар.




а б

4-расм: а – “Колумб тухуми” эрмаги элементлари, б – “Колумб тухуми” эрмаги элементларидан тузилган парранда-лар силуэтлари.

Архимед остомаксиони қадимда жуда оммалашган геометрик эрмаклар-дан ҳисобланган. Унинг элементлари ёрдамида нафақат геометрик шакллар, балки турли хил жонвор (бўри, туя, ит, паррандалар ва шу каби) ларнинг расмларини эслатувчи шакллар ҳосил қилиш тажрибаси кенг тарқалган.

Бизнинг давримизда Архимед остомаксионини эслатувчи “Пифагор” (2-расм), хитойларнинг “Танграм” (“Моҳирликнинг еттита тахтачаси”, 3-расм), “Колумб тухуми” (4-расм), “Мозаика” деб номланувчи ўнлаб хил геометрик эрмакларнинг кенг тарқалгани кўпчиликка маълум. Мақола мавзусига қайтсак, “Мадохил...” рисоласи муаллифи геометрик ясашларга оид ўз ғояларини “Остамаксион” эрмаги ва унинг элементлари би-лан ишлаш жараёни сифатида баён этган. Бунинг учун у дастлаб китобхонни ўз “Остамаксион”и билан таништиради. Биз уни “Бағдод остамаксиони” деб атаймиз.




5-расм. Бағдод остомаксиони.
Битта кичик квадрат ва саккиз, тўққиз ҳамда ўнбурчакларнинг бўлакларидан ҳосил қилинган битта катта квадрат

“Бағдод остомаксиони” эни ва бўйи 24 тадан квадратга тенг бўлган катак асосида пайдо қилинган. Квадрат ичига аниқ ўлчамларга эга бўлган қуйидаги шакллар жойлаштирилган:

8 та ***A*** учбурчак – 45°; 45°; 90°.
8 та ***B*** учбурчак – 45°; 67°30’; 67°30’.
16 та ***C*** учбурчак – 90°; 67°30’; 22°30’.
12 та ***D*** учбурчак – 90°; 70°; 20°.
12 та ***E*** учбурчак – 40°; 40°; 100°.
16 та ***G*** учбурчак – 36°; 72°; 72°.
8 та ***G/2*** учбурчак – 90°; 18°; 72°.
20 та ***V*** трапеция – 72°; 72°; 108°; 108°.

Ҳар бирининг ўрнини топиб, шакллар ёнма-ён шундай жойлаштирилганки, улар орасида бўш жой қолмаган ва бирининг қандайдир қисми иккинчисининг устига тушмаган (5-расм).

Рисола давомида “Бағдод остомаксиони” элементаларининг тегишлила-ридан қандай қилиб саккиз учли, тўққиз учли ва ўн учли юлдузлар ясаш мумкинлиги бўйича намуналар келтирилган [1, 17 – 18-бб.]. Шуниндек, рисолада “Бағдод остомаксиони” элементлари хоссаларидан фойдаланиб, учбурчакни ўзаро тенг юзли тўртта учбурчакка бўлиш, мунтазам олтибурчакликни ҳар хил вариантларда унга тенг юзли бўлган мунтазам учбурчакликларга ўзгартириш, мунтазам саккиз бурчакликни унга тенг юзли бўлган квадратга ўзгартириш ка-би масалаларни ечиш устида тўхталинилган [3, 319-, 320-, 323-бб.].



6-расм. Мунтазам олтибурчакни 11 га бўлиб, бу бўлаклардан тўғри тўрт бурчак ва тенг ёнли учбурчак ясаш.

Рисолада бир қанча чизма ҳар хил йўллар билан мунтазам бешбурчак қу-риш масаласини ечишга бағишланган [4, 321-, 322-, 323, 324-бб.]. Жуда кўп чизмаларда “гирих” деб номланувчи геометрик нақшларни ҳосил қилиш йўл-лари кўрсатилган.

Рисола сўнгидаги чизмалардан бирида мунтазам олти бурчак ичида 11 та элементдан иборат “остамаксион” ҳосил қилиниб, бу элементлар ёрдамида олтибурчакка тенг юзли бўлган тўғри тўрт бурчак ва тенг томонли учбурчак ясаш мисоллари келтирилган (6-расм). Яна бир чизмада мунтазам саккиз бур-чакликни бўлакларга бўлиб, у бўлаклардан шу саккиз бурчакликка тенг юзли бўлган саккиз учлик юлдуз ясаш мисоли, бошқа бир чизмада мунтазам етти бурчакликни 18 та бўлакка бўлиб, улардан тўғри тўрбурчак қуриш мисоли кўр-сатилган [3, 339-б.].

АДАБИЁТЛАР

1. Абдураҳмонов Ш. Чизмалар яратишда қўлланилган ҳандаса илми. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2017.

2. Бузджани, Абул-Вафа. Книга о том, что необходимо ремесленнику о ге-ометрических построениях. Пер. с араб. С.А. Красновой //Сб. Физико-математические науки в странах Востока. – М.: Наука, 1970.

3. Булатов М.С. Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX – XV

вв. – М.: Наука, 1978.

4. Введение в учение о подобных и соответственных фигурах (пер. с пер-сидского А.Б. Вилдановой // Булатов М.С. Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX – XV вв. – М.: Наука, 1978. – С.: 325 – 354.

5. Интернетдаги “Стомахион Архимеда”, “Игра-головоломка “Пифагор”, “Танграм”, “Колумбово яйцо” сайтлари.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К РАЗВИТИЮ ПРОФЕССИОНАЛИЗМА БУДУШИХ ТЕХНИЧЕСКИХ СПЕЦИАЛИСТОВ ОСНОВЕ НАЧЕРТАТЕЛЬНОЙ ГЕОМЕТРИИ

Токтосунов Алмазбек Аскерович,
к.т.н.доцент (Ошский технологический университет, Кыргызистан)

Махкамов Гуломжон Усмонжонович
д.ф.т.н. PhD (Наманганский инженерий-строительний институт, Узбекистан)
mgulomjon_m@mail.ru тел.+ 998939382588

Аннотация. В статье рассмотрены совместные педагогические опыты работы двух вузов Ошского технологического университета и Наманганского строительного института. Изучены методологические подходы формирования профессионализма будущих технических специалистов по предмету начертательной геометрии при выполнению графических заданий творческого содержания, позволяющих повысить творческую активность и мотивацию студентов при изучении предмета начертательной геометрии.

Annotation. The article discusses the joint pedagogical experience of the work of two universities of the Osh Technological University and the Namangan Construction Institute. The methodological approaches to the formation of the professionalism of future technical specialists in the subject of descriptive geometry in the performance of graphic tasks of creative content, which allow increasing the creative activity and motivation of students in the study of the subject of descriptive geometry, are studied.

Ключевые слова. Графическая подготовка, начертательная геометрия, творческие графические задания, креативно-ориентированные задачи, организация учебного процесса на основе методологического подхода, профессионализм, прфессиональный готовность.

Key words. Graphic preparation, descriptive geometry, creative graphic tasks, creatively oriented tasks, organization of the educational process based on a methodological approach, professionalism, professional readiness.

Как подчеркивает Сейтешев А.П. методология - это ключ к исследованию явлений и процессов высшего инженерно-педагогического образования. Именно сегодня мы наблюдаем в развитии педагогической наукой такой период, когда возникают масса проблем, выдвинутых идей и предложений, многобразии иновации и творческих подходов в опыте современных профессиональных школ [1].

Иссходя из формилированных поятий, была поставлено цель: изучить методолгичесчкие подходы к развитию профессионализма будущих технических специалистов по строительному направлению в основе совместной преподовании предмета начертательной геометрии двух вузов в Ошской технологической университете и Наманганской строительном институте.

Мы своих совместных педагогических исследованиях из методологических подходов глубже изучали креативный подход от преподователей двух высшего учебного

заведении по преподовании предмета начертательной геометрии. Креативный подход требуется индивидуальности, выработку творческого стиля деятельности, нестандартное решение технических и педагогических задач, способность к инновациям и т.д.

На этом работе творчество преподавателя рассматривается как состояние творческой деятельности, который происходит создание принципиально нового в содержании, организации учебно-воспитательного процесса, в решении технической задачи и научно-практических проблем.

Изучая педагогическое творчество, мы убедились, что современный преподаватель начертательной геометрии, инженерной и компьютерной графики руководитель немыслим без творчества.

Творчество - это все, что нас окружает, и, прежде всего, это процесс и результат творческой деятельности. Например: культура, искусство, знание, умение, труд, «мысль творящая», красота. Творческий педагога, по выражению Н. Рериха, «тот, кто открывает, умудряет и ободряет». С позиции философии творчество - это деятельность людей, преобразующая природный и социальный мир в соответствии со своими целями и потребностями на основе объективных законов реальной действительности. В психолого-педагогической науке различают как психологию, так и педагогику творчества.

Под психологией исследование творчества понимают область знаний, изучающую созидание человеком нового, оригинального, полезного в различных сферах деятельности. В центре внимания ученых-психологов находятся вопросы о структуре творчества, о ведущих к открытию нового, о познавательной роли целеполагания, интуиции, воображения, предвидения и т.д. В педагогической точке зрение творчества – наука о педагогической системе взаимосвязанных видов человеческой деятельности: педагогики образования, воспитания и самовоспитания, развития и саморазвития личности в различных видах деятельности и общения.

Цель педагогической творчества – это формирование творческой личности, для которой характерна устойчивая, высокого уровня направленность на творчество, творческий стиль в одном или в нескольких видах деятельности.В работах теоретиков и практиков педагогики творчество рассматривается и как процесс, и как результат деятельности педагога и его воспитанников.

Педагогическое творчество имеет ту особенность, что содержанием является творение человека, который всегда неповторим, уникален.

Главными признаками творчества являются:

- создание нового или существенное усовершенствование известного;
- оригинальность, неповторимость продукта деятельности, ее результатов;
-взаимосвязь творчества сотворчества и само творчества, само созидания.

Следовательно, деятельности преподавателей - это процесс создания новой информации или продукции с высокими показателями их количества. Как показывает опыт, в современных условиях из среды преподавателей двух высшего учебного заведения все больше появляется педагогов-мастеров своего дела: лучшие исследователи, лучшие экспериментаторы, лучшие инженер-педагог-исследователь и т.д. Это специалисты высшей квалификации, обладающие творческим техническим мышлением, высокой педагогической культурой, разрабатывающие авторские программы, владеющие альтернативными технологиями индивидуальным стилем работы, наиболее полно реализующие свой творческий потенциал и добивающиеся в итоге высоких результатов в науке, в обучение, воспитании и развитии учащихся в высших учебных заведениях.

Как отмечают ученые, творческий педагог – это, прежде всего, исследователь,

обладающий научным психолого-педагогическим мышлением, высоким уровнем педагогического мастерства, определенной исследовательской смелостью, развитым педагогическим путём и интуицией, критическим анализом, потребностью в профессиональном самовоспитании и разумном использовании передового научно педагогического опыта.

Кан-Калик В.А. под готовностью педагога к организации творческой деятельности понимает сформированности у него соответствующих качеств и свойств, осознание себя в качестве творческой личности, потребность в творческом взаимодействии с учащимися наличие перцептивно-рефлексивных и конструктивно-управленческих способностей опыта по организации учебно-воспитательного процесса, управления общением как творческой деятельностью [2] .

Творчество педагога определяется как деятельность, отличающаяся качественно новыми подходами к организации учебно-воспитательного процесса и формирующая эрудированного с точки зрения современной науки, творчески мыслящего воспитанника. Педагогическое творчество, прежде всего, связано с личностью педагога, с такими его качествами, которые обеспечивают высокий уровень самоорганизации профессиональной деятельности. Набор качеств педагога-профессионала, помогающих ему обеспечить эффективный учебно-воспитательный процесс, достаточно обширен. Важнейшими из них, на наш взгляд, являются гражданственность и патриотизм, знания, инженерная умения, умения проектирование, деловые качества, интеллигентность и высокая культура, ответственность трудолюбие и работоспособность. Педагогическое творчество рассматривается как состояние педагогической деятельности, при котором происходит создание принципиально нового в содержании, организации учебно-воспитательного процесса, в достижении поставленных целей.

Существенно в новом развитии педагогического творчества, на наш взгляд, является так называемая креативная направленность обучения и воспитания, суть которой состоит в смене ценностных ориентации в установке на рефлексивно-творческое освоение новых знаний, продуктивное их внедрение и творческое использование.

Загнязинский В.И. стратегию креативной психо-педагогики определяет следующим образом: ценностные ориентации личности актуализируются в процессе поисковой практики коммуникативной рефлексии с творческой деятельности [3] .

Следовательно, формирование творческой личности преподавателей рассматривает как двусторонний процесс, связанный, с одной стороны, с выработкой необходимых творческих качеств личности, с другой – с формированием у него опыта творческой деятельности.

По уровню творчества преподавателей можно разделить на три группы. В первую группу входят преподаватели, владеющие набором стандартных приемов, способные создавать новое в рамках в несложной деятельности (массовое творчество); другая группа преподавателей, стремящиеся выработать новую систему методов в условиях более сложной деятельности (создатель новых обучающих технологий), и наконец, преподаватели – педагоги - профессионалы, создающие систему обучающих технологий.

Основными направлениями творческой деятельности педагогогов двух вузов является повышением квалификации, качества учебно-методическая исследовательская работа, развитие творческой деятельности учащихся и самообразование.

Практическое применение креативно-ориентированных задач в работе со студентами двух вузов подтвердило инновационный характер и эффективность предложенного нами средства активизации самостоятельной работы студентов и соответствующего организационно педагогического и методического обеспечения.

Дальнейший анализ возможностей разработки и применения профессиональной готовности у студентов в основе самостоятельной графической деятельности студентов технического вуза обнаружил, что необходимо решить следующие задачи исследовательского и организационно-педагогического характера:

- выявить элементы деятельности, овладение которыми определяет успешность графической подготовки будущих инженеров; уточнить компонентный состав ориентировочной основы деятельности, обеспечивающий повышение эффективности ее реализации в процессе формирования навыков самостоятельной графической деятельности;
- определить необходимые для этого условия;
- экспериментально проверить эффективность выделенных компонентов и условий в реальном процессе графической подготовки будущих инженеров.

Показателями эффективности обобщенной является уровень сформированности способностей и профессиональной готовности обучаемых к следующем:

- к самоорганизации учебной деятельности, включающей планирование, целеполагание и рациональное распределение времени при самостоятельной работе;
- работе с источниками учебной информации: выделению основных положений, структурированию материала, осознанному восприятию и усвоению правил построения графических изображений;
- анализу графической задачи – определению цели, основных компонентов вербальной и графической части условия, операционализации содержания задачи;
- выявлению структурных элементов условия графической задачи, необходимых и достаточных для разработки ее технологичного содержания;
- практической реализации (в бытовых и профессиональных ситуациях) усвоенной графической информации и способов ее обработки.

Для осуществления графической деятельности необходимы следующие предметно-специфические умения и навыки:

- восприятия предметно-графической информации;
- применения методов преобразования графической информации;
- выявления практико-ориентированной проблемы, к которой может быть применен графический способ решения;
- формулирования условия задачи, имеющей хотя бы одно графическое решение;
- выполнения последовательных и логически обоснованных графических действий по решению задачи;
- выполнения требуемых графических построений и оформления чертежа.

Формирование этих умений и навыков на разработке креативно-ориентированных творческих задач соглася с другими учеными, должны обеспечить следующие компоненты организационно-педагогического и методического сопровождения: методические рекомендации по рациональной самоорганизации учебной деятельности, содержащие сведения об этапах процесса восприятия и преобразования информации, возможностях развития когнитивных способностей: внимания, памяти, мышления, восприятия; методические пособия, содержащие информацию о структуре и содержании учебного материала начертательной геометрии, применяемого при решении креативно-ориентированных задач, а также о структуре одного из способов их разработки; семинарские занятия по применению эвристических методов для выбора объектов кративно-ориентированных задач; семинарские занятия по основам самоорганизации самостоятельной учебной деятельности.

Творческая деятельность студентов в наших исследованиях активизируется посредством применения эвристических методов, таких как мозговой штурм и метод проб

и ошибок. На практических и самостоятельных работах у студентов совместно решено боле 300 задач такого характера. 2021-22 учебного года совместно выпушено учебная пособия сборник задач такого характера по начертательной геометрии с объемам 356 страниц.

Таким образом, применение креативный подход обучение для организации самостоятельной творческой графической деятельности обеспечило успешность инженерно-технической подготовки и обусловило получение каждым студентом его собственного авторского продукта – креативно-ориентированной задачи.

Это повысило мотивацию обучения начертательной геометрии, что, в свою очередь, способствовало:

- увеличению удельного веса самостоятельной графической работы студентов, которые, кроме обязательных заданий, выполняли творческие самостоятельные работы по собственной инициативе, уделяя дополнительное время изучению дисциплины;
- повышению качества графической подготовки – основополагающего элемента инженерного образования;
- формированию умений поиска нестандартных творческих графических решений при возникновении практических проблем;
- выполнению графических построений и их оформлению в соответствии с Единой системой конструкторской документации;
- формированию умений определить суть проблемы, сформулировать ее в вербальном виде, поставить цели дальнейших действий, разработать условие задачи и оформить процесс поиска ее решения в виде графического построения.

Таким образом, творческие задачи по начертательной геометрии, применяемые в учебном процессе во взаимосвязи с педагогическими мероприятиями и опытами по созданию профессиональной готовностью инженерно-графической деятельности, являются главным средством и ведущим компонентом ее формирования.

ЛИТЕРАТУРА

1. Сейтешев А.П. Формирование профессионализма инженера-педагога как научная проблема. – Алматы, Рауна, 2002 . – С.160
2. Кан-Карлик В.А. Педагогическая деятельность как творческий процесс –М., НИНВШ, 1988, -64 с.
3. С. А. Новоселов, Л. В. Туркина «Творческие задачи по начертательной геометрии как средство формирования обобщенной ориентировочной основы обучения инженерно-графической деятельности» стр 31-41
4. Токтосунов А.А., Токтобаева Г.Т. «Современные проблемы инженерной-графики» - Ош, 2016. Наука.Образования.Техника./Тезис доклад международный журнал Ош КУ №3,4. –С. 17-24

УДК: 72.03

ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК АНСАМБЛИДА МОНУМЕНТАЛ-ДЕКОРАТИВ ҲАЙКАЛТАРОШЛИКНИ УЙҒУНЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Tursunov Shavkat Sharibjonovjch
NamMQI, katta o`qituvchi, sabtj1975@umail.uz, +998945089650

Аннотация. Мақолада сўнгги йилларда республикамизда шаҳарсозлик ва монументал-декоратив ҳайкалтарошликни ўзаро уйғунлаштириш асосида олиб

борилаётган бунёдкорлик ишларини пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги “Ғалаба боғи” мисолида ўрганиш мақсад қилиб олинган ва тадқиқ этилган.

Аннотация.Статья направлена на изучение творческой работы, проводимой в последние годы в республике на основе сочетания градостроительной и монументально-декоративной скульптуры на примере «Парка Победы» в городе Ташкенте.

Annotation. The article is aimed at studying the creative work carried out in recent years in the republic on the basis of a combination of urban planning and monumental and decorative sculpture on the example of the "Victory Park" in the city of Tashkent.

Калит сўзлар: монументал, декоратив, мемориал, ёдгорлик, ҳайкалтарошлик, шаҳарсозлик, боғ, мажмуа, пластика, шаҳар муҳити.

Ключевые слова: монументаль, декоратив, мемориал, монумент, скульптура, градостроительства, парк, комплекс, пластика, городская среда.

Keywords: monumental, decorative, memorial, monument, sculpture, urban planning, park, complex, plastic, urban environment.

Кириш. Архитектура ва ҳайкалтарошликнинг бир-бирига уйғунлиги санъат тарихининг энг қизиқарли муаммоларидан бири бўлиб келган. Архитектура ва тасвирий санъатнинг ғоявий-бадиий композицион ечими доимо ажойиб янгилик ва ихтироларни келтириб чиқаради. Замонавий шаҳарсозликни ривожлантиришда архитектура ва ҳайкалтарошликни ўзаро уйғунлаштириш босқичи ўзига хос муаммоларни олдимизга қўяди. Бу уйғунлик натижасида архитектуравий лойиҳалашнинг янги ижодий қирраларини, ўзига хос бадиий ечимини ҳал қилиш мумкин[1].

Монументал-декоратив ҳайкалтарошлик ўзининг фазовий пластик кўриниши билан шаҳарсозликда такрорланмас шакл-шамойил билан биргаликда инсонларнинг бадиий қарашларини ўстирувчи фаол воситадир. Ҳайкалтарошлик нафақат шаҳар атроф муҳити кўринишларини тўлдиради, балки архитектуравий бино ва иншоотларни специфик жиҳатдан очиб беришда восита сифатида фаол иштирок этади. Архитектура ва ҳайкалтарошликнинг композицион шакл, кўринишларини ўзаро алоқаси кўпқирралидир[2].

Асосий қисм. Маълумки, собиқ совет иттифоқи даврида юртимиз меъморчилиги ва шаҳарсозлиги ўзининг теран томирларидан узилиб, миллий анъаналаримизга зид бўлган қолиплар таъсирига тушиб қолган эди[3].

Республикамизнинг мустақил давлат сифатидаги фаолияти, миллий меъморлик ва шаҳарсозлик соҳаларида янги жихатларни очиб берди. Самарадор ижтимоий ва иқтисодий дастурлар мамлакатимиз ҳаётий қиёфасини ўзгартирди. Бу ўзгаришларнинг энг яққол ифодаси бўлмиш меъморий иншоотлар, мустақилликнинг янги маънавий ғояларида, янги ижтимоий буюртма ва қурилишнинг илғор усуллари асосида юзага кела бошлади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда санъат соҳасида, хусусан, монументал санъатда ҳам янги давр бошланди. Ҳайкалтарошларимиз ижодида миллий ва маънавий тикланиш, янгиланиш жараёнлари бўй кўрсатди. Ниҳоятда нозик ва мураккаб, ҳар бир детал, ҳатто энг майда бўлиб кўринган масала ҳам жиддий ечим талаб этадиган ушбу соҳада яратилажак ҳар бир ҳайкалда энг аввало теран фалсафий-ҳаётий маъно бериш, унда миллий ғояларимиз тамойилларини намоён этиш масаласи ғоят муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўйилиб, соҳа ривожига катта эътибор қаратилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизнинг нафақат марказий шаҳарлари, айни пайтда барча вилоятлари обод бўлиб, меъморий жиҳатдан кўркам ва замонавий қиёфа касб этиб бораётгани замирида ҳам давлатимиз раҳбарининг концептуал ғоя ва қарашлари мулоҳаза ва таклифлари асос бўлиб хизмат қилади[4].

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПФ-5030-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5408-сонли «Қурилиш Вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 2 августдаги ПҚ-3895-сонли «Республика ҳудудларида «Business city» замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сонли «Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда меъморчилик санъатини янада ривожлантириш, айни пайтда, шаҳар марказларини белгилаш, капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, архитектура лойиҳалаш ва қурилиш фаолияти даражаси ҳамда сифатини ошириш, вилоятлар, шаҳар ва қишлоқларда олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини замонавий талабларга ҳамда миллий анъаналарга мос келадиган тарзда комплекс тараққий эттиришни таъминлаш, соҳадаги бебаҳо меросни сақлаш ва келгуси авлодларга авайлаб етказишда муҳим аҳамият касб этганини қайд этиш зарур.

Сўнгги йилларда бизнинг шаҳарларимиз архитектураси мазмуни сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Қурилишларниг катталиги шаҳар масштабини, уни структурасини ва пластик характеристикаси ўзгарди. Бу эса шаҳар қурилишидаги ҳайкалтарошликнинг аҳамиятини ўзгаришига ҳамда монументал-декоратив пластика трансформациясига олиб келди. Уни архитектура, инсон билан ўзаро боғлиқлиги характерини ўзгартирди, ҳайкалтарошликнинг пластик тилини ўзгаришига олиб келди. “Ҳайкалтарошлик ва атроф-муҳит” муаммоси янада чуқурлашди, янги ижтимоий ва бадиий қирраларга эга бўлди, шаҳар қурилишидаги вазифаларни ечишда ҳайкалтарош ва архитекторлардан ўз нуқтаи-назарларини ўзгартиришни талаб қилди. Бу янги шартларга жавоб юртимиз шаҳарлари ансамблида ҳайкалтарошлик ролининг ошишидир.

Шаҳар муҳити – бу кишиларниг ижтимоий ҳаёти ўтувчи маскан бўлиб, шаҳар муҳити дизайнини яратиш эса алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳат ҳисобланади. Яратилган бу муҳит шаҳар аҳолисини шаҳар билан ўзаро муносабатини уйғунлашуви, уларнинг фаровон ва мазмунли турмуш кечиришлари учун муҳимдир. Жамоат жойларида ҳайкалтарошлик асарларини пайдо бўлиши шаҳарни ободонлаштириш ва шаҳарсозлик муҳити сифатини яхшилашни ечими эканлигини қайд этиш зарурдир. Жамоат жойларида ҳайкалтарошлик санъати асарлари инсонлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг бевосита визуал маданиятини ва шаҳар муҳитининг сифатини оширишга олиб келади. Бу ҳайкаллар шаҳар жойларини безашдан ташқари, шаҳар муҳитини ҳисобга олишни шакллантириш, кишиларда руҳий-ҳиссий ва ақлий образни шакллантириш, маданият ва тарихни омма ичига етказиш каби ижобий ва муҳим хусусиятларга эга бўлиб, бу эса шаҳар муҳитида кишиларнинг қизиқарли ва сифатли муҳитларни яратиш орқали кўпроқ ўзаро таъсирини келтириб чиқаради[5].

Монументал санъат (лот. *monumentum* хотирлаш, ёдга олиш, ёдгорлик, moneo – эслатаман) пластик фазовий тасвирий ва нотасвирий санъат турларидан биридир. Бу тур ўз ичига катта форматдаги архитектура билан ёки табиий муҳит билан боғлиқ ҳолда яратилган, композицион бирлик ва уйғунлик билан улар ғоявий-образли ечимга эга бўлади. Монументал санъат асарлари турли ижодий касб усталари ва турли техникалар томонидан бажарилади. Монументал санъатга ёдгорликлар ва мемориал ҳайкалтарошлик композициялари, тасвирий ва мозаика паннолар, биноларнинг безаги, витражлар, бошқа техникалар билан бажарилган асарлар, шу билан бирга, янги технологик формациялар (баъзи тадқиқотчилар фикрича архитектура асарлари) киради. Монументаллик хусусиятларига эга бўлган асарлар, пластик шаклда берилган дабдабали кўринишга эга бўлган ғоявий ижтимоий аҳамияти ёки сиёсий мазмуни билан ажралиб туради[6].

Монументал-декоратив ҳайкалтарошлик архитектура билан маълум бир

муносабатда бўлади. Шунинг учун замонавий шаҳар қурилишида алоҳида қурилмалар композициясига ҳайкалтарошликни киритилиши ўз-ўзидан маълумдир. Ўзбек монументал санъатининг замонавий босқичи турли хил пластик композицияларни ривожи билан баҳоланади. Юксак ғоявий-тарбиявий функциялардан келиб чиққан ҳолда, бир қатор жанрлар муҳим тарихий воқеалар, ҳозирги ва ўтган замон буюк алломалари сиймосини яратиш ва абадийлаштиришдир. Буларга ёдгорликлар, мемориал лавҳалар, рамзий декоратив ҳайкалтарошлик композициялари, мемориал комплекслар киради. Декоратив ҳайкалтарошлик алоҳида мустақил жанр ҳисобланади. Унга болаларга мўлжалланган "ўйин" ҳайкалтарошлиги яқинлашиб келади.

Бугунги техника ва инновацион технологияларларнинг глобаллашуви даврида хорижда замонавий шаҳарсозлик амалиётида янги замонавий йўналишлар ҳам қўлланиб келинмоқда. Бунга мисол қилиб: "паблик арт", "ленд арт", "арт объект" ва ҳоказоларни кўрсатишимиз мумкин.

Public-art мунозарали. Шундай қилиб, у галереядан то жамоат мулкига айланган санъат бўлиб, бу албатта осон жараён эмас. Public-art – шаҳар муҳити санъати бўлиб, шаҳар муҳитида томошабинга кутилмаган мулоқотни назарда тутади. Public-art турли хил оммавий жойларни ўз ичига олиши мумкин: шаҳар боғлари, лекин жуда табиий; парклар, кутубхоналар, шифохоналар, кўчалар, турар-жойлар, жамоат бинолари, савдо марказлари ва ҳоказо яъни инсонлар қаерда яшаса, ишласа, дам олса. Public-artни ҳар хил шаклда қабул қилиш мумкин. Public-art англатиши мумкин: кичик ҳайкаллар, катта ҳайкаллар, фрескалар, картиналар, кўча мебеллари, бинолар, трамвай ёки автобуслар, фонтанлар, кўприк ва аркалар, алоқа миноралари, спорт инфраструктуралари.... Буларнинг баъзи бирларини бадиий хусусиятларига қараб ёдгорлик, бошқасига асар сифатида қаралади. Public-art турли хил вазифаларни бажариши мумкин: байрам ва халқ сайлларини ўтказиш, визуал ландшафтни яхшилаш, туризм ва инвестиция киритиш орқали иқтисодий ривожлантириш, кишиларни жамоат жойларида ўзларини бошқариш, сиёсатни турмуш сифати билан ўзаро алоқасини мослаштириш [7].

Ҳар бир жанр маълум бир пластик хусусиятларга, маълум бир сифатларга эгадир. Монументал-декоратив ҳайкалтарошлик шаклларидан шаҳар қурилишида фойдаланиш кўпроқ монументал ҳисобланади. Буни кейинги беш йилликда ёдгорликлар сонини ошганида ҳам кўришимиз мумкин. Муҳим монументал санъат асарларини яратилиши муҳим ижтимоий-бадиий воқеа ҳисобланади ва замонавий шаҳар кўринишини ўзгартиради. Ҳайкалтарошлик ва архитектуранинг мураккаб бир-бирига боғлиқлиги, аввало, ҳайкал композициясида ва уни пластик шаклида намоён бўлади. Бундан ташқари монументнинг атроф-муҳит билан муносабати ҳам аҳамиятлидир. Ўз вазифасига кўра бир гуруҳ ёдгорликларга ўз аҳамиятига кўра мемориал лавҳалар яқинлашиб келади. Бу анъанавий шакл монумент билан таққослаганда мавзуси бўйича локал характерга эга ва конкрет воқеалар билан боғлиқдир. Замонавий тажрибада мемориал лавҳаларни энг кўп тарқалгани пластик равишда бино билан боғлиқлигидир. Бу хусусиятдан маълум бир пластик ўзаро боғланиш келиб чиқади: лавҳа композицияси чегарасида ҳайкалтарошлик ва архитектура шаклини алоқаси(боғлиқлиги), лавҳани маълум бир бинони архитектураси билан боғлиқлигидир.

Мемориал лавҳалар композициясида замонавий архитектурага мос турли хил услубларни кузатиш мумкин, яъни декоративликни кучайиши, ҳайкални архитектура фони билан муносабатини мураккаблашуви, метални кенг қўлланилиши ва бошқалар. Алоҳида турувчи мемориал лавҳалар катта қизиқиш уйғотади.

Архитектура ва монументал-декоратив ҳайкалтарошлик яқинлиги мемориал комплексларда намоён бўла бошлади. Кенг ижтимоий аҳамиятга, жамиятдаги катта тарбиявий аҳамиятга эгалиги, абадийлаштирилаётган воқеани маъносини очишдаги катта

имкониятига қараб мемориал комплекслар муҳим ўрин тутади. Кўпгина вазифаларни ечишда мемориал комплексларнинг ташкилий роли ўзининг фаол ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарори асосида Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳамда унинг ҳудудида “Шон-шараф” давлат музейи бунёд этилди. Мажмуани барпо этишдан мақсад Улуғ Ватан уруши даврида ўзбекистонликларнинг фронт ва фронт ортида кўрсатган жасоратлари, буюк хизматларини нафақат бугунги ёшларга балки келажак авлодга намуна сифатида кўрсатиш, уларда Ватанга бўлган садоқат, олий инсонийлик туйғулари ва тинч ва эркин ҳаётга бўлган шукроналикни сингдиришдан иборатдир.

Боғ 12 та ҳудуддан ташкил топган бўлиб, ҳар бир ҳудуд ўзининг тематикаси ва маълум бир воқеани очиб берувчи инсталляциялар, ҳайкаллар ва рельефлардан иборат[8]:

- “Урушнинг даҳшатли қиёфаси” майдони;
- “Ҳарбий техникалар” майдони;
- “Марказий ҳиёбон”;
- “Фронт орти ҳудуди”;
- “Темир йўл вокзали”;
- “Мотам ва ғам-андуҳ ҳудуди”;
- “Шод-хуррамлик ҳудуди”;
- “Шукроналик ҳудуди”;
- “Амфитеатр ҳудуди”;
- “Шон-шараф” музейи.

Мажмуа композицияси уруш ва тинчлик, яхшилик ва ёмонлик, биродарлик, ватанпарварлик, жасорат, сабр-қаноат каби умумбашарий муаммоларни ҳаққоний тасвирлаш орқали маълум бир қадриятлар кетма-кетлигида қурилган дейиш мумкин. Мажмуа композициясидаги рамзий ҳудудлардаги монументал-декоратив ҳайкалтарошлик намуналарига “Урушнинг даҳшатли қиёфаси” майдонидаги Амерсфорт конслагеридаги 101 ўзбек асири инсталлциялари, уруш майдонида Ватан учун жон бераётган аскарлар, “Фронт орти ҳудуди” майдонида Ўзбекистонга уруш бўлаётган ўлкалардан эвакуация қилинган ва ўзбек оилалари томонидан асраб олинган болалар ҳайкаллари, фронт ва фронт орти ҳудудини ажратиб турувчи девордаги 12 вилоят нонларини ифодаловчи рельефлар, аскарларининг кўл излари, яралганган биродарини жанг майдонидан олиб чиқаётган жангчи ва бошқа кўплаб образларни киритиш мумкин[8].

Марказий ҳиёбон. Ҳиёбоннинг икки томонида уруш даврини ифодаловчи, 1941-1945 йилларнинг хронологик тартибда кўрсатилган воқеалари рельеф кўринишида акс этган. Унда урушнинг ҳар бир машаққатли йилларига хос воқеа ва ҳодисалар рельеф композицияларида қаҳрамонларининг турли ҳолатлари орқали очиб берилган. Марказий ҳиёбоннинг композицион марказида генерал-майор **Собир Рахимов** ҳайкали ўрнатилган ва “Шон-шараф” музейи жойлаштирилган.

“Мотам ва ғам-андуҳ” ҳудудидаги майдон иккига ажратилган бўлиб, ўнг томонда бешта забардаст ўғилларини урушдан қайтишини интизорлик билан кутаётган Зулфия ая Зокирова ва келинларига бағишланган **«Матонат мадҳияси»** ёдгорлик мажмуаси ўрнатилган(2-расм). Майдоннинг чап томонида **“Кўз ёши”** мажмуаси инсон кўзини шартли равишда ифодаловчи портал жойлашган бўлиб, унинг ичида қабр тошлари ўрнатилган(3-расм). Қабр тошларида учта йирик дунё динлари: Ислом, Яҳудийлик ва Насронийлик рамзлари туширилган. Ёдгорликнинг олд қисмида кичик кўлмакча бўлиб, у уруш туфайли тўкилган кўз ёшларниг рамзий маъносини англатади.

“Шон-шараф” музейи. Музей қўрғон кўринишида бунёд этилган бўлиб, бунда ҳам маълум бир рамзий маъно бор. Қадимги халқ ва элатларда хусусан туркий қабилаларда

жанг майдонларида ҳалок бўлган саркарда ва йўлбошчиларга атаб қўрғонлар барпо этилган. Бошқа бир маънода эса ҳар бир эр киши оиласи, Ватанни, яъни рамзий қўрғонини ҳимоя қилиши унинг бурчи эканлиги уқтирилгандай. “Ғалаба боғи” композициясининг кульминацион маркази шу қўрғон ва унинг устки қасмида 14 та Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари шарафига ўрнатилган ҳайкаллар бўлиб, марказда генерал Собир Раҳимов ҳайкали қад ростлаган. Унинг атрофида жангларда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган ватан фидоийлари ўз салобати билан томошабинни ҳайратга солади. Ҳайкаллар гуруҳи ўртасидаги стелла эса уларнинг мардлик руҳини кўкка олиб чиқиб кетаётгандек туюлади ва ҳайкалтарошлик композициясининг улуғворлигини янада оширади. “Шон-шараф” музейига олиб кирувчи йўлакнинг икки ён томонига уруш даври фронт ортида Ўзбекистон халқини фидокорона меҳнатлари ва бағрикенгликлари рельеф композициялари орқали очиб берилган.

Хулоса. Юртимизда яшаб ижод этган атоқли илм-фан, санъат намоёндаларини номини абадийлаштириш ва уларнинг илмий-адабий меросини келажак авлодга етказишда давлатимиз томонидан улкан ишлар амалга оширилмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи мустақиллик йилларида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан тобора чирой очиб бормоқда. Қайд этиш лозимки, 1991 йили Миллий боғ ҳудудида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг муаззам ҳайкали барпо этилиб, ўтган давр мобайнида улуғ аждодимиз тараннум этган юксак гуманистик ғояларга ҳамоҳанг равишда, аниқ меъморий режа асосида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилган эди. Ушбу ҳудудда 2007 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор, 2010 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек, 2013 йили Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотираларига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилди. Миллий боғни халқимиз, аввалambор, ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган, нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ва сайёҳлар ташриф буюрадиган ҳар томонлама гўзал ва бетакрор масканга айлантириш, маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштириш мақсадида юртбошимизнинг ташаббуслари билан “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида адиблар ҳиёбонини барпо этиш тўғрисида” 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сон қарори қабул қилиниши ҳам бу борада олиб борилаётган улкан ишларнинг ёркин далилидир. Тошкент шаҳрида бунёд этилган “Ғалаба боғи” эса юқорида келтирилган улкан ишларнинг мантиқий давоми ва аждодларимизга бўлган юксак ҳурмат, эҳтиромнинг намунасидир.

Ушбу чора-тадбирлар айрим одамларнинг онгида қотиб қолган тушунчаларни, умуман, эски тузум асоратларини бартараф этиб, барча ижодкорларни маънавий уйғоқликка, ҳаётга янгича назар билан қарашга, Ватанимиз ва меҳнаткаш халқимиз ҳақида, унинг шонли тарихи ҳаёти ва эзгу орзу-интилишлари ҳақида ҳикоя қилувчи етук асарлар яратишга ундади. Шу асосда юртимизнинг турли гўшаларида ўзида миллий ва умуминсоний қадриятларни акс эттирган, бой маданий меъросимиз ва буюк аждодларимиз тимсолларини гавдалантирган муҳташам монументал асарлар бунёд этила бошланди ва бу жараён давом этмоқда.

Шаҳарсозлик муҳитида бу каби боғ ва паркларнинг пайдо бўлиш шаҳар аҳолисини шаҳар билан ўзаро муносабатини уйғунлашуви, уларнинг фаровон ва мазмунли турмуш кечиришлари, шаҳарни ободонлаштириш ва шаҳарсозлик муҳити сифатини яхшилашни оптимал ечимидир, жамоат жойларида ҳайкалтарошлик санъати асарлари инсонлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг бевосита визуал маданиятини ва шаҳар муҳитининг сифатини оширишга, бу ҳайкаллар шаҳар жойларини безашдан ташқари, кишиларда руҳий-ҳиссий ва ақлий образни шакллантириш, миллий ва умуминсоний маданият ва

тарихни омма ичига етказиш каби ижобий ва муҳим хусусиятларга эга бўлиб, бу эса шаҳар муҳитида кишиларнинг қизиқарли ва сифатли муҳитларни яратиш орқали кўпроқ ўзаро таъсирини келтириб чиқаради. Бундай боғларни республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бунёд этиш, ҳар бир вилоят ва туман марказларида барпо этилиши нафақат шаҳар муҳитини балки кишиларнинг эстетик ва ғоявий жиҳатларини ўстиришга ички ва ташқи туризмни ривожлантириш учун муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги бугунги куннинг долзарб масаласи сифатига қараш учун хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Гармония монументальной скульптуры и архитектуры в современном градостроительстве. Ш.Ш.Турсунов, Д.К.Бегматов –Высшая школа, 2015 – elibrary.ru

2. Иванова И.В. “Скульптура и город” М., 1975 г.

3. “Мустақиллик даври ўзбек меъморчилик ва монументал ҳайкалтарошлик санъати” Т., 2011 й.

4.Интерьер деворий суратлари: ўтмиш, анъана ва замонавийлик Ш.Ш.Турсунов – Научное знание современности, 2019 - elibrary.ru

5.http://dergi.cumhuriyet.edu.tr/ojs/index.php/fenbilimleri © 2015 Faculty of Natural Sciences, Jumhuriyet University. The Role of Urban Sculptures in Improving and Improving the Quality of Urban Space (Example: Fuman County).

6.Турсунов Ш.Ш., Абдуҳакимов У. Монументаль санъат ва унинг ўзига хос хусусиятлари. НамДУ, 2019 й.

7.A.Remesar (Ed) Urban Regeneration A Challange for Public Art. 2005 EDITION ISBN 84-475-1737-3. © PUBLICACIONS DE LA UNVIERSITAT DE BARCELONA.

8.http://mrdi.uz/2020/05/ғалаба-боғи-ва-шон-шараф-музейи-в/.

УДК 515.16: 744.32

БАРИЦЕНТРОГРАФИЯ – ВЫЧЕРЧИВАНИЕ АКСОНОМЕТРИЙ ЦЕНТРОИДАМИ КООРДИНАТНЫХ СИМПЛЕКСОВ ТОЧЕК

Абдурахманов Шерзод
НамМҚИ, к.п.н., доцент +99(890) 690 1866

Аннотация. В статье содержание работ автора по многомерной начер-тательной геометрии, изложено как вычерчивание аксонометрий центроидами координатных симплексов точек.

Аннотация. Мақолада муаллифнинг кўп ўлчовли фазолар чизма геомет-риясига оид ишлари мазмуни аксонометрияларни нуқта координаталари симп-лексларининг центроидлари билан чизиш сифатида баён этилган.

Annotation. In the article, the content of the author's works on multidimensional descriptive geometry is described as the drawing of axonometries by centroids of coordinate simplices of points. **Ключевые слова:** симплексы, центр тяжести (центроид), пантограф, цен-троидограф симплекса, N-мерное пространство, координатный параллеле-пипед, барицентрические координаты, суппорты, аксонограф многомерного пространства.

Калит сўзлар: симплекслар, оғирлик маркази (центроид), пантограф, сим-плекс цетроидографи, N-ўлчовли фазо, координаталар параллелепипеди, бари-центрик координаталар, суппортлар, кўп ўлчовли фазо аксонографи.

Keywords: simplex, center of gravity (centroid), pantograph, centroidograph simplex, N-dimensional space, coordinate parallelepiped, baricentric coordinates, supports, axonograph of

multidimensional space.

Исторический период, в котором традиционная инженерная графика постепенно уступает место компьютерной графике, требует глубокого исследования различных аспектов этого процесса, одним из которых является проба возложения некоторых действий «ручной» графики механизмам, автоматам и компьютерам. Данная работа представляет собой освещение одного из подходов в таком направлении.

Симплексы. Одним из элементарных понятий многомерной геометрии является «симплекс», что в переводе из латыни означает «простейший». В научной литературе он определяется как «… – геометрическая фигура, в которой нельзя провести диагональное сечение» [7, с. 55]. Симплекс на чертеже изображается точками, служащими его вершинами и отрезками прямых линий, соединяющих эти вершины. Различают симплексы в зависимости от того, сколько вершин (или измерений) они имеют. Точка – 0-симплекс, отрезок прямой линии – 1-симплекс, треугольник – 2-симплекс, тетраэдр (тетратоп) – 3-симплекс. Дальше идут: пентатоп (пятивершинник) – 4-мерный симплекс, гексатоп (шестивершинник) – 5-мерный симплекс, гептатоп (семивершинник) – 6-мерный симплекс, октатоп (восьмивершинник) – 7-мерный симплекс, нонатоп (девятивершинник) – 8-мерный симплекс, декатоп (десятвершинник) – 9-мерный симплекс, эндекатоп (одиннадцативершинник) – 10-мерный симплекс, дедекатоп (двенадцативершинник) – 11-мерный симплекс [7, с.56].

Центр тяжести симплекса. Центр тяжести симплекса, в вершины которого помещены одинаковые массы, называется **центроид**ом. Центроид *N*-симплекса находится в точке, делящей отрезок прямой линии, соединяющей центр тяжести (*N–1*)-симплекса, содержащегося в нем с противоположной вершиной на 1:N.:

– центроид G^1 1-мерного симплекса – отрезка прямой линии $|A^0A^1|$ находится в его середине (рис. 1, а);

– центроид G_2 2-мерного симплекса – треугольника $|A^0A^1A^2|$ находится в точке, делящей отрезок, соединяющий середину его стороны – медианы с проти-воположной вершиной на 1:2 (рис. 1, б);

– центроид *G3* 3-мерного симплекса – тетраэдра $|A^0A^1A^2A^3|$ находится в точке, делящей отрезок, соединяющий центроид треугольника, содержащегося в нем с противоположной вершиной на 1:3 (рис. 1, в);

– центроид G4 4-мерного симплекса – пентатопа $|A^0A^1A^2A^3A^4|$ находится в точке, делящей отрезок, соединяющий центроид тетраэдра, содержащегося в нем с противоположной вершиной на 1:4 (рис. 1, г) и т.д.




Рис.1. Центроиды разных симплексов.

Различные свойства симплексов и их центров широко освещены в трудах, посвященных к **барицентрическим координатам** [3, с. 196 – 199; с. 201 – 211], [5, с. 76 – 128], [8, с. 7 – 20], [9], [10, с. 17 – 28], [12]. Поэтому, не останавливаясь на них, перейдем к следующим пунктам.

Механизмы, показывающие центроиды симплексов [1]**:**

– узел G^1 пантографа с коэффициентом подобия, равным 1:1 (кратко П1), может выступать центроидографом 1-мерного симплекса, т.е. отрезка прямой линии (рис. 2, а), меняющей свою длину в определенных пределах (в профильной проекции чертежа показано желательное расположение звеньев пантографа);

– узел G^2 пантографа с коэффициентом подобия, равным 2:1 в сборке из пантографов П1 и П2 может выступать центроидографом 2-мерного симплекса, т.е. треугольника, меняющего свою форму в определенных пределах (рис. 2, б);

– узел G^3 пантографа с коэффициентом подобия, равным 3:1 в сборке из пантографов П1, П2 и П3 может выступать центроидографом 2-мерного симплекса, т.е. треугольника, меняющего свою форму в определенных пределах (рис. 2, в);

– узел *G4* пантографа с коэффициентом подобия, равным 4:1 в сборке из пантографов П1, П2, П3 и П4 может выступать центроидографом 3-мерного симплекса – тетраэдра, меняющего свою форму в определенных пределах (рис. 2, г) и т.д.




Рис.2. Цетроидографы проекций разных симплексов

Многомерное пространство и его изображение. В геометрии слово пространство означает множество однородных элементов (точек, прямых линий, плоскостей). Путем выдвижения определенных условий или требований из такого пространства можно выделить что угодно (например: множество точек равноудаленных из пары перекрещивающихся [7, с.8] прямых линий – параболический гиперболоид).

Понятие пространство становится более наглядно представимым, даже графически изображаемым – внедрением в него какую-нибудь систему координат. Виды систем координат в геометрии составляют большое множество. Однако для данной работы

больше подходит многомерная система координат. Многомерная система координат, это – несколько прямых линий, называемых осями, проходящими через одну и ту же точку, называемую началом координат. Отличают еще и координатные плоскости, которые образуются спариванием координатных осей, из которых состоит система. В данной работе за начало координат принята одна из вершин, в качестве осей N штук ребер, расходящихся из этой вершины N-симплекса. При работе над аксонометрическими проекциями достаточно будет иметь дело изображениями упомянутой вершины и упомянутых ребер.

Многомерная аксонометрия [14]**.** Аксонометрия – разновидность графических изображений, которая получается параллельным проецированием геометрического образа, находящегося в пространстве в плоскость чертежа вместе с осями координат, к которым отнесены его точки. Для построения многомерного аксонометрического изображения должны быть известны:

– мысленно или реально построенная каркасная модель N-мерного симплекса, которого одна из вершин и N штук ребер расходящихся из нее служат системой координат. Количество измерений симплекса, углы между парами ребер и длина каждого его ребра выбираются исполнителем проекта, исходя из специфики решаемой задачи;

– положение симплекса по отношению плоскости чертежа. При этом стараются выбрать для симплекса такое положение, чтобы одна из его граней, выступающих в качестве координатных плоскостей, была параллельной к плоскости чертежа;

– угол между направлением параллельного проецирования и плоскостью чертежа, что служит основой для определения коэффициентов искажений по координатным осям [6]. Здесь уместно подчеркнуть, что в параллельном проецировании остаются в силе все инвариантные свойства, присущие ему.

Будем считать, что для ниже приводимых примеров, перечисленные выше все условия удовлетворены. А мы все действия, происходящие в многомерных пространствах, воспроизводим графически как в их параллельных проекциях.

Изображение точки *N*-мерного пространства в аксонометрии:

– точка A^1 на чертеже 1-мерного пространства изображается как конец отрезка прямой линии, равного координате X_A этой точки на координатной оси Ox;

– точка A^2 в аксонометрии 2-мерного пространства изображается как диаметрально противоположная вершина к вершине О – начале координат параллелограмма, построенного координатами этой точки по осям Ox_1 и Ox_2;

– точка $A3$ в аксонометрии 3-мерного пространства изображается как диаметрально противоположная вершина к вершине O – начале координат параллелепипеда, построенного координатами этой точки по осям Ox_1, Ox_2 и Ox_3;

– точка $A4$ в аксонометрии 4-мерного пространства изображается как диаметрально противоположная вершина к вершине O – начале координат 4-мерного параллелепипеда, построенного координатами этой точки по осям Ox_1, Ox_2, Ox_3 и Ox_4 (рис. 3, а) и т.д.

Параллелепипеды, проекции ребер которых выступают в качестве опреде-лителей место точки N-мерного пространства в соответствующих аксонометриях в зависимости от того, какого измерения пространства они обслуживают, на-зовем координатными N-мерными параллелепипедами: 0-мерный параллелепи-пед – точка, 1-мерный параллелепипед – отрезок прямой линии, 2-мерный парал-лелепипед – параллелограмм, 3-мерный параллелепипед – обычный параллеле-пипед, 4-мерный параллелепипед – тессеракт, 5-мерный параллелепипед – пентеракт, 6-мерный параллелепипед – хексеракт, 7-мерный параллелепипед – хептеракт, 8-мерный параллелепипед – октаракт, 9-мерный параллелепипед – энтенеракт.

Более простым графическим определителем (детерминатором) аксоно-

метрического места точки *N*-мерного пространства является ломаная линия, состоящая из последовательности *N* штук звеньев, длина 1-го из которых равна координату OX_{1A}, 2-го – OX_{2A}, 3-го – OX_{3A}, 4-го – OX_{4A} (рис. 3, а).




Рис. 3. N-мерные координатные параллелепипеды и симплексы

Симплексы, вершины которых расположены на *N*-кратных (барицентрических) координатах точки *N*-мерного пространства. Представимо, что попарное соединение точек, указывающих координаты точки N-мерного пространства на осях, даст симплекс с N вершинами. Удвоением координаты по обеим осям и соединив их, получим отрезок $|2G_1^{1}2G_2^{1}|$, центорид которого совпадает с пространственным местом точки G^2 (G_1^{1}, G_2^{1});

– соединением точек, обозначающих координаты точки G^3 3-мерного пространства можно получить 2-симплекс (треугольник). Он на рис. 3, б изображен закрашенным в серый цвет. Этот симплекс, пересекаясь с диагональю коорди-натного параллелепипеда 3-мерного пространства делит ее на 1:2 части. Сое-динив точки, обозначающие утроенные координаты точки по всем трем осям можно получить симплекс $|3G_1^{1}3G_2^{1}3G_3^{1}|$, центр тяжести которого совпадает с аксонометрическим местом G^3 (Рис. 3, б). Здесь еще можно отметить, что вер-шины координатного параллелепипеда на двухмерных гранях координатного аппарата совпадают с центрами тяжестей сторон треугольника удвоенных координат точки G^3 (точки, закрашенные в черный цвет);

– соединением точек, обозначающих координаты точки G^4 4-мерного пространства можно получить 3-мерный симплекс (тетраэдр). Этот симплекс пересекаясь с диагональю координатного параллелепипеда 4-мерного простран-ства, делит ее на 1:3 части диагонали. Соединив точки, обозначающие 4-кратные (барицентрические) координаты точки по всем осям можно получить симплекс $|4G_1^{1}4G_2^{1}4G_3^{1}4G_4^{1}|$, центр тяжести которого совпадает с аксонометрическим местом G^4.

Подробное рассмотрение описываемых картин позволяют отметить еще и следующие свойства, присущие к связям между координатным параллелепи-педом и симплексами, образующимися соединением точек, обозначающих равнократные координаты точки G^N:

– точки G_1^{1}, G_2^{1}, G_3^{1} и G_4^{1} являются центроидами 0-мерных симплексов (точек), содержащихся в 3-мерном симплексе, образующемся по парным соединением точек,

обозначающих одинарные координаты точки G^4 на осях Ox_1, Ox_2, Ox_3 и Ox_4;

– точки G_{12}^2, G_{13}^2, G_{14}^2, G_{23}^2, G_{24}^2 и G_{34}^2 являются центроидами 1-мерных симплексов (ребер), содержащихся в 3-мерном симплексе, образующемся попарным соединением точек, обозначающих 2-кратные координаты точки G^4 на осях Ox^1, Ox^2, Ox^3 и Ox^4;

– точки G_{123}^2, G_{124}^2, G_{134}^2 и G_{234}^2 являются центроидами 2-мерных симп-лексов (треугольников), содержащихся в 3-мерном симплексе, образующемся попарным соединением точек, обозначающих 3-кратные координаты точки G4 на осях Ox_1, Ox_2, Ox_3 и Ox_4;

– точка G4 является центроидом 3-мерного симплекса (тетраэдра), образу-ющегося попарным соединением точек, обозначающих 4-кратные координаты точки G^4 на осях Ox1, Ox2, Ox3 и Ox4.

Точка GN являясь цетроидом (N – 1)-симплекса, образующегося соединением точек, обозначающих N-кратные (барицентрические) координаты точки выступает также и аксонометрическим местом точки GN, имеющей координаты G_1^1, G_2^1, G_3^1 … и G_N^1 по осям Ox_1, Ox_2, Ox_3 … и Ox_N.

Таким образом, аксонометрическое место точки N-мерного пространства помимо проекцией цепи ребер координатного параллелепипеда (детерминатора), можно построить еще и как центра тяжести симплекса, образующегося соединением точек на осях, обозначающих N-кратные (барицентрические) координаты точки.

Как показывают примеры, в N-мерном пространстве (N – 1) -симплекс во многом способен заменить N-мерный параллелепипед. Хотя, например, у 3-мерного симплекса (тетратопа, тетраэдра) вершин – 4, ребер – 6, граней – 4, а у 4-мерного координатного параллелепипеда (тессеракта) вершин – 16, ребер – 32, граней – 24.

Точно также, у 4-мерного симплекса (пентатопа) вершин – 5, ребер – 10, граней 10, а у 5-мерного координатного параллелепипеда вершин – 32, ребер – 80, граней – 80. С увеличением количества измерений разность между одноименными элементами N-мерного параллелепипеда и (N – 1)-симплекса возрастает.




Рис. 4. Аксонографы 3- и 5-мерного пространств

Самое важное то, что становление задачи на построению пространственного места точки по ее заданным координатам – задачей на построение центра тяжести симплекса, делает возможным привлечение к ее решению механизма, о котором выше шла речь.

На рис. 4 и на рис. 5 приведены схемы, на первой из которых центроидограф треугольника (2-симплекса) отмечает аксонометрию точки G^3 3-мерного пространства, на второй центроидограф пентатопа (4-симплекса) – аксоно-метрию точки G^5 5-мерного пространства.

Как видно по этим схемам, концы обоих звеньев первого пантографа и концы только длинных звеньев остальных пантографов вставляется в точки, указывающие на ее барицентрические координаты.

Далее упомянутые концы могут быть шарнирно соединены к концам посту-пательно движущихся стержней суппортов, имитирующих аксонометрические оси. Поступательное движение стержней суппортов независимо друг от друга могут приблизить или удалить барицентрические координаты точки по отноше-нию начала координат, тем самым назначая соответствующие аксонометри-ческие места центру тяжести симплекса, меняющего свою форму в зависимости от занимаемых мест его точек в координатных осях.

На приведенных примерах, в барицентрографах можно увидеть своего рода аксонографов объектов многомерных пространств, управляемых числовыми программами. Дальнейшее дело остаётся за разработкой числовых программ для автоматического вычерчивания аксонометрических проекций разных объектов многомерного пространства аксонографами такого типа. Что касается составления числовых программ то его теоретической основой может служить опыт, накопленный специалистами начертательной геометрии по составлению параметрических уравнений изображений объектов многомерных пространств [11], [13].

ЛИТЕРАТУРА

1. Абдурахманов Ш. Прибор для определения центра тяжести n-мерного симплекса (Авторское свидетельство SU 1031794) // Бюллетень изобретений СССР № 28. – М., 1983.

2. Абдурахманов Ш. Способы аксонометрического изображения точек объектов многомерных пространств // Журнал «Научная жизнь», 2010, № 6. – С.: 50 – 54.

3. Александров П.С., Пасынков В.А. Барицентрические координаты. Симплексы // Александров П.С., Пасынков В.А. Введение в теорию размерности. – М.: Наука, 1973. – С.: 196 – 199, 201 – 211.

4. Балк М.Б. Геометрические приложения понятия о центре тяжести. – Физматгиз, 1959.

5. Балк М.Б., Болтянский В.Г. Барицентрические координаты // Балк М.Б., Болтянский В.Г. Геометрия масс. – М.: Наука, 1987. – С.: 76 – 128.

6. Гумен Н.С., Павлов А.В. Зависимость между элементами аксонометри-ческого проецирования прямоугольной многомерной аксонометрии // Межве-домственный республиканский научный сборник «Прикладная геометрия и инженерная графика Выпуск 8. – Киев, Будівильник, 1967. – С.: 123 – 127.

7. Куликов С.М. Введение в начертательную геометрию многомерных пространств. – М.: Машиностроение, 1970. – 84 с.

8. Маневич В.А. Точечные массы и векторы. Барицентрические координаты //Маневич В. А., Котов И. И., Зенгин А. Р. Аналитическая геометрия с теорией изображений. – М.: Высшая школа, 1969. – С.: 7 – 20.

9. Möbius August Ferdinand. Der baricentrishe Calcul. – Leipzig, 1827. – 460 p.

10. Мякишев А.Г. Барицентрические координаты // Мякишев А.Г. Элементы геометрии треугольника. – М.: Центр непрерывного математического образования. 2002. – С.: 17 – 28.

11. Нарзуллаев С.А. Расчет n-мерного пространства. Отв. ред. В.Е. Михайленко. –

Ташкент, изд.-во «Фан» АН УзССР, 1991. – 224 с.

12. Пухначев «Юный техник», 1967, № 12, с.: 42 – 45.

13. приложения. – Ленинград, издательство ЛГУ, 1979. – 280 с.

14. Четверухин Н.Ф. Многомерная аксонометрия // Глазунов Е.А., Четве-рухин Н.Ф. Аксонометрия. – Москва, Госиздат технико-теоретической литера-туры, 1953. – С.: 72 –

15. Шитов В.М. Аксонографы. Автоматические чертежные машины // Шитов В.М. Механизация чертежно-конструкторских работ. – М.: Машино-строение, 1966. – С.: 31 – 33, 47 – 52.

УДК 378.147

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ (ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ МИСОЛИДА)

Хамракулов Абдурахмат Каримжонович
НамМҚИ, т.ф.н.,доцент

Аннотация: Ушбу мақола олий таълим тизимида мустақил таълимнигнг ўрни ва уни ташкил этиш муаммолари ва ечимлари ҳақида сўз юритилади.

Аннотация: В данной статье рассматривается роль самостоятельного образования в системе высшего образования, проблемы и решения его организации.

Annotation: This article discusses the role of independent education in the system of higher education, problems and solutions of its organization.

Калит сўзлар: мустақил таълим, компьютер технологиялари, чизма геометрия, ўз-ўзини баҳолаш, қизиқиш, билиш, фаолият, дарс, педагогик технология, тест

Ключевые слова: самостоятельное обучение, компьютерные технологии, геометрия чертежа, самооценка, интерес, знания, деятельность, урок, педагогическая технология, тест.

Key words: self-study, computer technology, drawing geometry, self-assessment, interest, knowledge, activity, lesson, pedagogical technology, test.

Олий таълимда ўқитиш кредит модуль тизимига ўтиш натижасида компьютер технологияларидан унумли фойдаланиш талаб этилмоқда. Яъни барча фанлардан электрон дарслик, электрон методик кўрсатмалар, презентациялар яратиш куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса кредит-модул тизимида мустақил таълимга эътибор катта қаратилмоқда. Яъни фанга ажратилган соатларининг 50% аудитория соатларига, 50% мустақил таълимга ажратилган. . Ҳозирги вақтда компьютер технологияларининг ривожланиши педагогик фаолиятда ҳам ўзиниг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Дарс жараёнининг қизиқарли ўтиши учун янги педагогик технологиялар ва ахборот коммуникацион технология(АКТ) лардан фойдаланиш давр талаби бўлиб қолмоқда.
Компьютер ахборотлар омборига кириш ва чиқиш, унинг устида керакли операцияларни амалга ошириш учун универсал воситадир. Ахборот ва коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ўқув жараёни характерини кескин ўзгартиради, талабаларнинг билим олишга қизиқишларини ва олаётган билимлари ҳажмини кескин оширишга ҳамда олган билимлари турғунлигини сақлаб қолишга ёрдам беради[1]. Компьютер технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланиш рационал ва эмоционал аспектни бирлаштириш, ўйинларни қўшилиши, моделлардан фойдаланиш, кенг вариантликда методик воситалардан танлаш имкониятини беради.

Мустақил таълимда электрон дарслик, маъруза матнлари, услубий кўрсатмалар

муҳим аҳамият касб этади. Талабалар томонидан билимларини ўзлаштиришлари учун китобнинг ўрни беқиёсдир. Ҳеч бир янги техник воситалар китобнинг ўрнини боса олмайди, лекин у китобдаги билимларни талабалар томонидан тез ва осон ўзлаштирилишига катта ёрдам бера олади. Талаба хоҳлаган вақтда унга мурожаат этиши ва тушгунга қадар қайта қайта кўриб чиқиши мумкин. Талабалар компьютер технологияларидан фойдаланиб мавзуларни осон ўзлаштиришлари натижасида, фаолроқ ҳаракат қиладилар. Электрон дарсликдаги афзалликлардан яна бири чизма геометрия масалаларини ечилиш кетма-кетлигини қадамба-қадамлиги таъминланганлигидир. [2]

Таълим жараёнида талабани талаба эмас, балки шахс сифатида эътироф этилиши шарт.

Шахс –ижтимоий таъсирлар натижасида шаклланади[4]. Талабалар орасида ўз-ўзини баҳолаш қуйидагича:

-ўз-ўзини паст баҳолаш;

-ўз-ўзини юқори баҳолаш;

-реалистик баҳо.

Талаба ўз-ўзини паст баҳолашида ўзига бўлган ишонч бўлмайди. Бундай ҳолга тушишига оила аъзоларининг унга ишонмаслиги, ҳар бир ишида ўртоқларидан дакки эшитиши ва аудиторияда ўқитувчининг талаби юқорилиги сабаб бўлиши мумкин. Электрон дарсликлардан фойдаланиш жараёнида талаба ўзини эркин ҳис этади, экранда мавзуни кўргазмали ва расмларнинг рангли бўлиши, қайта-қайта кўриши ва масалаларнинг ечилиши қадамба- қадамлиги, шунингдек ҳар бир қадамдан сўнг ортга қайтиш имконияти борлиги талабанинг тушунишини осонлаштиради ва шу ишни бажара олишига ўзида ишонч ҳосил қилади.

Оила аъзоларининг, ўртоқларининг мақтовлари ва ўқитувчининг унинг билимини ошириб баҳолашлари натижасида талаба ўз-ўзини юқори баҳолайдиган бўлади. Бундай талабалар доимо ўртоқлари, ҳоттоки ўқитувчига ҳам ўзини билимдон кўрсатишга ва хато қилаётганлигини тан олмасликка ҳаракат қилади. Компьютер технологияларидан фойдаланиш жараёнида ҳали билими етарли эмаслигини, тест саволларига жавоб бериш орқали билиб олади. Иккала ҳолда ҳам талаба ўқитувчи ёрдамига муҳтожлик сезади ва фанни ўрганишга ижодий ёндошишга мажбур бўлади. Демак маълум маънода компьютер технологиялари талабанинг ўқитувчи билан мулоқотининг самарали бўлишига ва ўз-ўзини объектив баҳолашига кўмак беради.

Электрон дарсликлардан ўқувчилар асосан мустақил равишда фойдаланадилар ва ўз билимларини синаб кўриш имкониятларига эга бўладилар. “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фани бўйича Microsoft Power Point дастурида яратилган электрон дарсликдаги масала ва топшириқларни бажариш кетма-кетлиги талабаларнинг мавзуни имконият қадар тўлиқ ўзлаштиришларига шароит яратади ва билимларини Front Page дастурида яратилган тест орқали синаб кўришлари ҳам мумкин.

Мустақил таълимни ташкил этишда унинг ўқув-услубий таъминланганлиги биринчи навбатдаги масаладир. Электрон дарслик, маъруза матнлари, услубий кўрсатмалар ўқув режасига ва миллий қадриятларимизга ҳар томонлама мос келиши билан бирга янги педагогик технологияларни қўлланган ҳолда яратилган бўлса, бу адабиётни Президентимиз айтганидек, «…баркамол, ёш авлодни комил инсон сифатида тарбиялай оладиган мукаммал адабиётлар» сарасига киритиш мумкин. Яратилган электрон дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари, албатта шахсга йўналтирилган бўлиши лозим. Яратилган электрон адабиёт web саҳифаси масофавий таълим соҳасида муҳим рол ўйнайди.

Фарғона политехника ўқитувчилари Ш.Муродов, А.Хакимов, А.Тўхтаевлар томонидан яратилган «Чизма геометрия» электрон дарслигида мавзулар тўлиқ ёритилган.

Дарслик Microsoft Front Page, 3D MAX ва бошқа дастурлар ёрдамида яратилган. Бу дарсликнинг камчилиги шундаки, ҳар бир примитив (нуқта, чизиқ, айлана, ёй ва бошқалар)ларнинг қурилишлари ва чизилиш йўналишлари кўрсатилмаган..

Microsoft Power Point, AutoCAD дастурлари ёрдамида «Чизма геометрия» фани бўйича касб-ҳунар коллежлари учун «Кесманинг ҳақиқий катталигини аниқлаш», «Текисликнинг ҳақиқий катталигини аиқлаш» мавзулари бўйича электрон услубий кўрсатмалар яратдик. Ушбу услубий кўрсатмада ҳар бир примитивларга ҳаракатлар ва овоз эффектлари берилган. Ҳар бир примитивнинг чизма геометрия қоидаларига амал қилган ҳолда қурилиши ва кетма-кетлиги таъминланган. Талаба тушунарсиз бўлган примитивларнинг қурилишини орқага қайтариб кўриши мумкин. Шу билан биргаликда кесма ва текисликнинг фазодаги кўринишлари AutoCAD дастури ёрдамида кўрсатилган. Талабанинг мавзуга бўлган мотивини кучайтириш мақсадида ҳар бир мутахассисликка доир (масалан: транспорт йўналиши учун муштумча деталининг чизмасини бажаришда тақсимлаш валининг муштумчалари) деталларнинг қаерларда қўлланилишини кўрсатилиши мумкин.

Электрон дарслик, маъруза матнлари ва услубий кўрсатмалардан ҳамма талабалар ҳам тўлиқ фойдалана олмасликларини ҳисобга олиб, улардан қандай фойдаланишни ўқитувчи томонидан кўрсатилиши керак. Шу сабабли ўқитувчида педагогик маҳорат ва АКТ да ишлаш кўникмалари бўлмоғи лозим. «Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси» фани ўқитувчиси Microsoft Word, Microsoft Excel, Microsoft Power Point, Microsoft Paint, AutoCAD, 3D max, FleshMX дастурлари билан ишлаш кўникмаларини ўзида ҳосил қилиши зарур.

Компьютер технологияларидан фойдаланиш жараёнида талаба интернет орқали ўзига керак бўлган ахборотларни олишга ҳаракат қилади. Берилган топшириқларни бажариш учун университет ва институтларнинг сайтига кириб ўзи учун янгилик бўлган адабиётларни излайди ва топшириқларни бажаришга ҳаракат қилади. Шунинг билан баробарида жаҳон янгиликларидан хабардор бўлиб туради. Талабанинг фанни илмий ўрганишга бўлган қизиқишини оширади.

Мустақил таълим олиш даврида талабалар томонидан электрон дарслик, маъруза матнлари, услубий кўрсатмалардан фойдаланиши таҳлил этилганда қуйидагилар аниқланди. Электрон дарслик, ўқув қўлланма, маъруза матнлари ва услубий қўлланмалардаги мавзуларнинг ўқув мақсадларини белгиланиши биринчи галдаги вазифадир. Ўқув мақсадлари педагогик жараённи ташкил этувчи қисмларининг энг муҳими ҳисобланади. Ўқув мақсадларини белгилашнинг педагогик технология тарафдорлари таклиф этган усулни, уларни талабалар ҳатти-ҳаракатлари ва фаолияти орқали ифодалашни кўриб чиқайлик. Масалан: «Нуқтанинг ортогонал проекциясини қуриш», «Сиртларнинг кесишиш чизиғини аниқлаш». Педагогик технология тарафдорлари таклиф этган ўқув мақсадларини аниқлаш усули, ўзининг юқори даражадаги аниқлаштириш имкониятига эга бўлиши билан ажралиб туради. Ўқув мақсадлари талабанинг ишончли ўлчаш ва ташқаридан кузатиш мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатида ифодаланиб, улар ўқитиш натижаларини англатади. Мавзулар анимация(ҳаракатли, овозли, овоз билан масалаларни ечилишини кузатишли)лар орқали ёритилиши, масалаларнинг фазодаги кўринишини (AutoCAD) кўрсатилиши талабаларни мавзуларни тез ўзлаштиришларига ва фазовий тасаввурларини шакллантиришига ёрдам беради. Талабаларнинг фанни билишга бўлган қизиқишини оширади. Бедил Мирзо Абдулқодир(1644-1721) «Инсоннинг билиш имкониятлари чексиз, чунки унга буюк неъматлар сезги аъзолари ақл ва уларнинг фаолияти инъом этилган»лигини таъкидлаган [3]. Компьютер экранида содир бўлаётган ҳодисаларни талаба кўриб ва эшитиб, фикрлаш орқали билишга интилади. Талаба сезги органлари ёрдамида мониторда содир бўлаётган

воқеа ва ҳодисаларни идрок эта бошлайди. У мониторда кўриниб турган воқеа ва ҳодисалар орасида айни пайтда ўзига керак бўлган объектнинг хосса ва ҳусусиятлари билан акс эттиради. У аввалига ҳиссий билиш орқали экрандаги ҳодиса ва воқеаларни (бир неча бор кузатиб) алоҳида-алоҳида, бир-биридан ажратилган ҳолда ўз онгида акс эттиради. Шу сабабли нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланишлар назардан четда қолиб кетади. Масалан текисликнинг ҳақиқий катталигини топишда текисликнинг бош махсус чизиқларини оддий параллел чизиқлар сифатида қабул қиладилар ва бу чизиқларнинг моҳиятига эътибор қаратмайдилар. Бошқа масалаларни ечилишларини бир неча бор кузатганидан сўнг, ҳиссий билишдан ақлий билишга ўта бошлайди. Яъни талаба воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятига эътибор қарата бошлайди.

Талаба экранда содир бўлаётган воқеа, ҳодисаларни анализ ва синтез қилиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Компьютер технологияларидан фойдаланилганда талаба бемалол воқеа ва ҳодисаларни анализ ва синтез қилиши мумкин. Масаланинг анализ ва синтез қилишида примитивларнинг кетма-кет қурилиши, ечилган масалани орқага қайтариш имкониятлари ва масаланинг яққол тасвирлари (тўғри чизиқ, текислик ва деталлар) ёрдам беради. Анализ ва синтез фанни ўрганишда талабанинг билиш жараёнини тезлатади. Анализ-синтезлаш ҳаракатининг маркази бош мия катта ярим шарининг пўстлоғидир. Талаба объект (экранда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар)ни таркибий қисмларга бўлиб, янги билимлар олишга интилади. Талаба объектни ҳар томонлама билиши учун - объектни кўп қирраларга бўлиб олади. Мураккаб ҳодисани энг оддий унсурларга бўлиш, муҳими номуҳимга ажратишга, уни мураккаб нарсага олиб боришига имкон беради: нарсаларни ва ходисаларни туркумларга бўлиш анализ шартларидан бири. Масалани ўрганиш жараёнида талабанинг фикри, мураккабликдан оддийликка, тасодифдан заруратга, хилма-хилликдан айниятга ва бирликка қараб ҳаракат қилади. Талаба анализининг мақсади-қисм (геометрик элемент)ларни мураккаб бутун(геометрик шакл, геометрик жисм)нинг унсурлари сифатида билиш, улар ўртасидаги алоқа ва қонуниятларни аниқлашдан иборатдир.

Электрон дарслик, маъруза матнлари, услубий кўрсатмалардаги масалаларнинг ҳаёт билан боғлаб тузилганлиги талабага бу фаннинг келажакдаги ҳаётда керак бўлиши, унинг билишга бўлган эҳтиёжини оширади. Инсоннинг билишга бўлган қизиқиши икки нарсадан илҳомланишини Абу Райҳон Беруний айтган:

1.Аллоҳ томонидан берилган табиий қизиқиш, барча нарсаларнинг мазмун моҳиятига етиб боришга бўлган интилиши.

2.Билиш туфайли қўлга киритилган ютуқлардан манфаатдорликдир [3].

Ахборот коммуникацион технологиялари(АКТ)ни ишлатилиши ўқитишнинг мазмуни ва педагогик фаолиятнинг ўзгаришига олиб келади, лекин бу ўзгаришлар илғор педагогик технологиялари асосида ўқитилсагина ижобий натижалар беради.

«Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси» фанини ўрганишда АКТдан фойдаланиш натижасида талаба:

-ўзининг дунёқарашини кенгайтиради;

-ўзининг фазовий тассавури шаклланатиради, билимларини оширади ва бирор янгилик ўрганади;

-мустақил фикр юритишга мойиллик ва берилган топшириқни ўзгалар ёрдамисиз бажаришга ўрганади;

-мустақил равишда ўзининг билимларини назорат қилиб туришни ўрганади;

-фанни ўрганишда ўзига бўлган ишончини кучайтиради.

-компьютер графикаси фанини ўрганишга бўлган қизиқишини кучайтиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақил таълимда АКТ дан фойдаланиш талабаларнинг ақлий ва илмий билишга бўлган қизиқишларини оширади, ва ўзлаштириш

кўрсаткичларини юқори бўлишларини таъминлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Новые информационные и образовательные технологии как фактор модернизации учебного заведения. П.Ф.Анисимов нач. упр.СПО Миноброзование РФ. доктор эконом. наук**.** СПО №6 2004 стр.2-5

2. К.Мадумаров, А.Хамрокулов.Чизма геометрияни мустақил ўрганиш. «Таълим муаммолари» Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг илмий-услубий журнали. 2005 йил 1-4 сон, 69-70 саҳифалар.

3.М.Н.Абдуллаева, М.Абдурашидов, У.Абилов ва бошқалар. Фалсафа қисқача изоҳли луғати. Тошкент: Шарқ-2004.

4. Хамракулов А. К. Роль информационно коммуникационных технологий в обучении начертательной геометрии и инженерной графики //Наука. Мысль: электронный периодический журнал. – 2016. – №. 9.

5. Хамракулов А. К. ТЕСТ БАҲОЛАШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ //Научное знание современности. – 2017. – №. 6. – С. 130-133.

6. Хамракулов А. К. Внедрение компьютерной технологии в обучение графическим дисциплинам //Universum: психология и образование. – 2020. – №. 6 (72).

7. Хамракулов А. К. Роль информ2.ационно коммуникационных технологий в обучении начертательной геометрии и инженерной графики //Наука. Мысль: электронный периодический журнал. – 2016. – №. 9.

8. Хамракулов А. К. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ //Научное знание современности. – 2017. – №. 3. – С. 305-310.

9. Хамракулов А. К., Жамалов Б. И. ОРГАНИЗАЦИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТРАДИЦИОННЫХ И КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ НАЧЕРТАТЕЛЬНОЙ ГЕОМЕТРИИ //Universum: психология и образование. – 2020. – №. 12 (78).

10.Турсунов Ш. Ш., Хамракулов А. К. ГРАФИКА САНЪАТИ ТАВСИФИ, БАДИИЙ ИФОДА ТИЛИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ //Научное знание современности. – 2019. – №. 6. – С. 6-10.

УДК 515.16: 744.32

МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКА ТАРИХИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Инамидинова Диларом Кирамидиновна,
ўқитувчи НамМҚИ, 2006saidali@gmail.com+998941584921

Аннотация: Ушбу мақолада талабаларни “Муҳандислик графикаси” фанидан таълим олиш мобайнида Геометрик чизмачилик бобини ўзлаштиришда ушбу фанни тарихини ҳам яқиндан билишлари ҳамда кундалик ҳаётларида учрайдиган турли хил геометрик шаклларга боғлаб ўзлаштиришлари орқали тасаввурлари кенгайиб боришлари келтирилган.

Аннотация: В этой статье студенты узнают об истории этого предмета при изучении предмета «Инженерная графика» и расширяют свое воображение, соединяя различные геометрические фигуры, встречающиеся в их повседневной жизни.

Annotation. In this article, students will learn about the history of this subject while studying the subject "Engineering Graphics" and expand their imagination by connecting various

geometric shapes encountered in their daily lives.

Калит сўзлар: графика, сурат, геометрик, шакл, нақш, конструкция, чизғич, циркуль, чизмачилик, қоғоз, мато, пергамент

Ключевые слова: графика, фото, геометрик, фигура, узор, конструкция, линейка, циркуль, черчения, бумага, ткань, пергамент

Keywords: graphics, photo, geometric, figure, pattern, design, ruler, compasses, drawing, paper, fabric, parchment

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, баркамол авлод тарбиялаш ишлари Давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. 2020 йил 23 сентябрда “Таълим тўғрисида” ги янги Қонун кучга кирди.

Унинг “Таълим соҳасидаги асосий принциплар” деб номланган 4-моддасида “билимлилик, қобилиятлилик ва истеъдоднинг рағбатлантирилиши” қайд этилган. Бундай натижага эришишда педагогик билимларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Талабалар “Муҳандислик графикаси” фанидан таълим олиш мобайнида Геометрик чизмачилик бобини ўзлаштиришда ушбу фанни тарихини ҳам яқиндан билиш мақсадга мувофиқ. Чунки талабалар Геометрик чизмачилик бобини ўзлаштиришда кундалик ҳаётларида учрайдиган турли хил геометрик шаклларни боғлаб ўзлаштиришлари орқали тасаввурлари кенгайиб боради.

Геометрик чизмачилик бобини тарихига назар соладиган бўлсак одамлар ибтидоий даврлардаёқ ёзишдан олдин чизишни ўрганганлар, мисол учун атроф-муҳит ёки ўзлари кўриб турган предметларни график тасвирлаш учун турли-туман асбоблар ва материаллардан фойдаланганлар. Аввалроқ ерга, кейин ғор деворларига, сўнгра тошларга суратларни тирнаб чизганлар.



Кейинроқ эса турли матолар, тери, пергамент, қоғоз каби материалларга ғоз пати ёрдамида сиёҳ ва тушда суратлар ишланган. 18 асрнинг охирларига келибгина графитли қалам ихтиро қилиниб, сурат чизиш анча енгиллашган.

Чизма чизиш ривожланишининг қадимги даврдардан ҳозирги кунгача бўлган йўлини кузатадиган бўлсак, иккита йўналишни кузатиш мумкин. Биринчиси – қурилиш чизмалари бўлиб, унда турли иншоотлар, кўприклар, бинолар чизмалари ишланган. Иккинчиси эса саноат чизмачилиги бўлиб, унда турли асбоб-ускуналар, машина ва жиҳозлар чизмалари чизилган.

Ўтган асрларлар жаҳон илм-фани ва маданияти ривожида Марказий Осиё алломаларининг ҳам ўрни беқиёс. Қадимги манбаларда ҳозирги Марказий Осиё – Мовароуннаҳр ва Хуросон номлари билан қайд этилади. Бухоро, Самарқанд, Насаф, Косон, Шош, Фарғона катта шаҳарлар сифатида тилга олинади. Мазкур шаҳарлар мамлакатимиз ҳудудида жойлашган бўлиб, айримлари ҳозирда ҳам қадимий номи билан аталади(3).

Жаҳон илм-фан тараққиёти ривожига беқиёс ҳисса қўшган қутлуғ она диёримиздан илм-фаннинг барча соҳалари жаҳонга донг таратган буюк алломалар етишиб чиққан. Ватанимиз тарихининг ўчмас саҳифалари ана шундай буюк ва мўътабар зотларнинг

ҳаётлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис ватанимизнинг “Ўзбекистон – буюк алломалар юрти” дея аталиши айни ҳақиқатдир.

Бунга бир неча мисоллар келтирамиз.

Аҳмад Фарғоний

Аҳмад Фарғоний (туғилган вақти номаълум-861 йилда Бағдодда вафот этган) буюк астроном, математик ва географ олим ҳисобланади. Ўрта аср Европа илмий адабиётида уни Альфраганус деб атаганлар.

Аҳмад Фарғоний Боғдодда Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли ал-Маъмун ҳукмронлиги (813-833) даврида Ўрта Осиёлик олимлар Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аббос ибн Саъид Жавҳарий ва бошқалар билан бирга ишлаган.

Фарғоний «Устурлоб ясаш ҳақида» деган асарида стереографик проекция ҳақида тушунчаларни берган.

Муҳаммад ал-Хоразмий

Хоразмийнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. У Ўрта Осиёлик машҳур математик ва астроном..

Хоразмий Хоразмда 783 йилда туғилиб, 850 йилда Боғдодда вафот этган.

Хоразмий алгебра фанининг асосчиси ҳисобланади. «Алгебра» атамаси унинг «Ал-жабр вал-муқобалаъ» номли асаридаги «Ал-жабр» сўзининг лотинча ёзилишидан келиб чиққан. Бу асарида Хоразмий биринчи бўлиб, чизиқли ва квадратик тенгламаларни синфларга ажратган ва уларни ечиш усулларини кўрсатиб берган.

Математикадаги «алгоритм» термини ҳам Хоразмийнинг номи билан боғлиқ, у «ал-Хоразмий» ёки лотинча «Алгоритм» сўзидан келиб чиққан.

Абу Райхон Беруний

Абу Райхон Беруний (973-1048) ўрта асрнинг буюк қомусчи олими ҳисобланади. У Хоразмнинг Қиёт (ҳозирги Беруний) шаҳрида туғилган. Беруний жуда ёшлигиданоқ математика, геодезия, география, минералогия ва астрономия фанларини севган.

У ўзи ясаган асбоблари ёрдамида астрономик ўлчаш ишларини олиб борган. Берунийнинг математикага оид, тригонометрия, геометрия, сферик тригонометрияда қилган анчагина кашфиётларини чизмалар ёрдамида баён этилган.


«Ҳиндистон» асарида эса геометрияга доир масалаларни баён этган. Берунийнинг кўп асарларида кўплаб график тасвирлар ҳам ўрин олган. «Геодезия» асарида 69 та чизманинг тасвир тарзида берилиши чизмалар моҳиятини жуда қадимдан тан олинганлигини билдиради. Берунийнинг математикага тегишли «Тригонометрик функцияларни соддалаштириш», «Юлдузларни текисликда тасвирлаш», «Сферик ёйни аниқлаш ҳақида», «Сфера нуқталарини текисликда тасвирлаш», «Евклид ишларига изоҳлар» каби асарлари ҳам графика билан бевосита боғлиқдир. Беруний ўз илмий ишларида проекциялар методини тадбиқ этиб, чизмалар чизган ва улардан фойдаланган. Беруний марказий проекциялаш усулидан фойдаланган ҳолда ўзининг «Масъуд қонуни» асарида картографик проекциялар усулида кенг тўхталиб ўтган. Бу асарда у ерни гўё шар қиёфасидаги бир геометрик жисм деб қараб, унинг текисликдаги тасвирини ҳосил қилиш борасида кўп ишлар қилган.

Буюк Ўрта Осиё алломаси Абу Али Ибн Сино шулар жумласидандир. Ибн Сино ёшлигиданоқ номи чиққан олимга айланиб, турли ҳунарларни эгаллаган. У нафақат буюк табибгина бўлмай, балки энциклопедиячи, файласуф, математик, астроном ҳам бўлган. У кўпгина янги илмий ишлар билан шуғулланган. Буюк алломаларимизнинг кўп илмий қўлёзмалари Осиё ва Европа мамлакатларининг кутубхоналарида сақланмоқда.Чизиш асбобларини такомиллаштиришда чизмаларни бажаришда чизғич ва циркуль асосий чизиш асбобларидан ҳисобланган. Чизмалар ясашда жами ишни фақат чизғич ва циркулда


бажариш лозимлигини алоҳида таъкид этмаган бўлсада Эвклиднинг ўзи бу қоидага қаттиқ риоя қилган.

Шунга қарамасдан қадимги дунёнинг чизма санъати намоёндалари тасвирлар бажариш жараёнини қулайлаштириш устида ишлаган. Масалан мил.авал VI асрда яшаган Милетлик Анаксимандр (Фалес шогирди)нинг махсус устахонаси бўлиб, унда ёғочдан турли-туман ўлчаш ва чизиш асбоблари тайёрлаган. Тарентлик Архит милоддан аввал IV аср. Ҳар хил эгри чизиқларни чизиб берувчи асбоблар ясаган. Элидлик Гиппий берилган бурчакни ўзаро тенг учта бўлакка бўлиш масаласини тадқиқ этиш учун квадратисса деб аталувчи эгри чизиқ чизиб берувчи асбоб ясаган. Архит шу билан яна иккита кесма учун пропорционал бўлган иккита бошқа кесиммани топиб берувчи асбоб ясаган.Бу асбоб берилган кубни икки мартага каттайтириш масаласини ал қилишда ишлатилган. Искандариялик Никомед (м.ав.II а.) бурчакни учта ўзаро тенг бўлакларга бўлик масаласини хал этишда конхоида чизиғидан фойдаланган(4).

Оврупо Уйғониш даврининг гениал вакили *Леонардо да Винчи* (1452-1519) эллипс чизувчи жуда содда асбоб конструкциясини таклиф этган.



Тўғри чизиқ кесмасини тенг бўлакларга бўлиш йўли билан ҳосил қилинган нақшлар. Хоразм воҳасидаги *Аннов ва Қоратепа* номлари билан юритилувчи жойлардан топилган ва мил. Авв. IV-II минг йилликларга тегишли бўлган сопол идишлар сиртига чизилган нақшларнинг қимматли жойи шундаки, биз улар асосида илк геометрик тушунчалар ҳақида тасаввур ҳосил қиламиз(1).



Чунончи ана шундай кўринишдаги нақшларни ҳосил қилиш учун берилган тўғри бурчакли тўрт бурчак ичида квдратлардан иборат катак вужудга келтириб олиш керак эди. Бунинг учун тўғри чизиқ кесмасини керакли миқдорда ўзаро тенг бўлакларга бўлиб олиш, чизиқларнинг ўзаро параллел ва перпендикуляр бўлишлигини таъминлаш каби қоидаларни билиш лозим(1).


Айланаларни тенг бўлакларга бўлиш йўли билан ҳосил қилинган нақшлар. Термиздан топилган ва мил.авв. II-I минг йилликларга тегишли “турунж”ни ҳосил қилиш учун берилган айланани чизиш, унинг марказидан тиккасига ва ётиғига ўтувчи диаметрларини, сўнг эса уларнинг ўртасидаги бурчакларни тенг иккига бўлувчи диаметрларни ўтказиб

олиш қоидаларини билиш керак эди.



1.21-расм. а, б – Болаликтепа бинолари деворларидаги нақшлардан намуналар (V – VI аа.).


Архимеддан аввалги даврларда тасвирланган *Архимед спираллари*. Туркманистоннинг Нисо шаҳри қолдиқларидан топилган ва мил.авв. I минг йилликка тегишли бўлган устун усти бўлагининг расмини ҳосил қилиш учун биз ҳозир *Архимед спирали* деб атайдиган эгри чизиқнинг тўлиқ иккита ўрамини ясаб олиш қоидалани билиш керак эди. Спиралнинг марказига унинг текислигига тик қилиб қозиқ қоқишган. Сўнг унга ип ўраб, ипни ўрашга тескари бўлган йўналишда очиб бориш пайтида унинг учидаги сиртмоққа суқиб қўйилган иккинчи қозиқ тасвир текислигида керакли чизиқни берган(1).



Чизма асбобларини такомиллаштиришда чизмаларни бажаришда чизғич ва циркуль асосий чизиш асбоблари ҳисобланган.

Буюк Ўрта Осиё алломаси Абу Али Ибн Сино шулар жумласидандир. Ибн Сино ёшлигиданоқ номи чиққан олимга айланиб, турли ҳунарларни эгаллаган. У нафақат буюк табибгина бўлмай, балки энциклопедиячи, файласуф, математик, астроном ҳам бўлган. У кўпгина янги илмий ишлар билан шуғулланган(1).

Аввал чизма чизишда жуда ҳам содда асбоблар ишлатилган. Мисол учун циркуль ўрнида иккита ёғоч қозиқ олиниб, унинг биринчиси марказга қоқилган, иккинчисига эса биринчисидан ип тортилиб. Марказ атрофида айлантирилган. Масштаб бўлмаганлиги учун чизма учун жуда кўп материал, тери ёки пергамент ҳамда кўплаб одамлар ишлаган. 18 асрда масштаб қўлланила бошланган. Дастлаб тасвирда қуриладиган бинонинг юқоридан кўриниши ва фақат фасади тасвирланган(1).




16 асрда артиллерия ва муҳандислик ишини йўлга қўйиш учун Иван Грозныйнинг

“Пушкарский приказ” (Тўпчилик буйруғи) буйруғи чиққан(2).

17 асрда эса Борис Годунов ҳукмронлик қилган даврда “Кремлнинг Годунов чизмаси” ишлаб чиқилиб, унда Кремлдаги сарой ва бинолар, Кремлни муҳофаза қилиш деворлари чизмалари бўлган.

18 асрнинг бошига келиб Петр I ҳукмронлигига келиб, Россияда кемасозлик, тоғ-руда саноати ривожланиши кучайиб кетган. Бунинг учун чизмаларни моҳирона чизиш лозим бўлган(2).

Шунинг учун Петр I Фармони билан махсус ўқув юртларида Чизмачилик фани ўқитила бошлаган. Бунинг натижасида 1709 йилда «Приемы циркуля и линейки» ва «Практическая геометрия» (“Циркуль ва чизғич ишлатиш” ва “Амалий геометрия”) деб номланган чизмачилик дарсликлари ёзилган(2).



Шу даврда завод биноларининг икки кўринишли чизмаси пайдо бўлган. Ҳатто Петр I шахсан ўзи 1719 йилда чизган 22 эшкакли қайиқнинг чизмаси ҳозирги кунгача сақланиб келган.

Техника ривожланиши билан чизмаларни ҳам янада аниқроқ чизиш лозим бўлиб қолди. Кесим, қирқим, масштаблар қўлланиладиган бўлди. Бу чизмалар замонавий чизмаларга анчайин ўхшаб қолди, дейиш ҳам мумкин. Шу чизмаларга 1763 йилда И.И.Ползунов томонидан тузилган буғ машинаси чизмасини мисол қилиб олса бўлади. И. И. Ползуновнинг ишини давом эттирган ҳолда 1824 йилда рус механиклари, ота ва ўғил Черепановларнинг чизмалари билан биринчи буғ машинаси яратилди(2).

В 1799 году француз олими Гаспар Монж (1746-1818) ўзининг «Чизма геометрия» деган асарини ёзди. Унда Чизма геометрия ва Чизмачиликни бирлаштириб ортогонал проекциялар методини яратди.

Буюк алломаларимизнинг кўп илмий қўлёзмалари Осиё ва Европа мамлакатларининг кутубхоналарида сақланмоқда. Талабалар “Муҳандислик графикаси” фанидан таълим олиш мобайнида ушбу фанни тарихини ҳам яқиндан билишлари ҳамда кундалик ҳаётларида учрайдиган турли хил геометрик шаклларга боғлаб ўзлаштиришлари орқали тасаввурлари кенгайиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ш. Абдурахмонов “Чизмалар яратишда қўлланилган ҳандаса илми”. Монография. Тошкент. 2017 й.

2. Murodov Sh.K., Toshimov N.Э. Grafik tasvirlash asoslari (Grafika tarixi). O’quv qo’llanma. – T., “Navro’z”, 2013. – 216 b.

3. Kiramidinovna, I. D. (2021). IMPROVING THE MECHANISM OF FORMATION OF STUDENTS'CREATIVE ABILITIES.

4. Акименко Ю.А., Козырев Э.В., Чередниченко О.П., Веснин В.Н. РУКОВОДСТВО ПО ИНЖЕНЕРНОЙ ГРАФИКЕ.

ВИНТ ҲАЛҚА СИРТИ ЧИЗИҚЛИ СИРТЛАРИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Мадумаров Комил Хомитович
НамМҚИ, т.ф.н., доцент madumarovk914@gmail.com

Аннотация. Мақолада Мебиус листи каби винт ҳалқа сиртларни моделлаштиришни тўғри доиравий цилиндр ҳамда очиқ тор сиртиларида ҳосил қилиш ва унинг натижалари берилган.

Аннотация. В статье представлены основы формирования и его результаты моделирования винтовых замкнутых поверхностей типа листа Мебиуса в правильном круговом цилиндре и открытом торовом поверхности.


Annotation. The article presents the basics of forming and its results of modeling of closed-circuit helical surfaces of the Mobius sheet type in a regular circular cylinder and an open torus surface.

Калит сўзлар. Моделлаштириш, винт ҳалқа сирти, очиқ винт сирти, Мебиус листи.

Ключевые слова: моделирование, замкнутая винтовая поверхность, открытый тор, лист Мебиуса.

Key words: modeling, closed-circuit helical surface, an open torus, the Mobius sheet.

Винт ҳалқа сиртини ҳар томонлама изланиш учун бизга ўнғай бўлган моделларини тайёрлаш учун материаллар керак. Шунда унинг очилмаган ҳусусиятларини аниқлаш керак бўлади. Винт ҳалқа сирти(ВҲС) бўйича изланишдан олдин “Очиқ винт сирти” га тўхталиб ўтсак, чизма геометрия фанида винт сиртлари дейилади. Унда винт сиртини тўғри доиравий цилиндр сиртида ҳосил қилиш кўрсатилади(1-расм).



1-расм. Винт сирти -геликоидни тўғри доиравий цилиндр сиртида ҳосил қилиш.

Винт сирти туридаги деталлар шнек, пружина, червяклар, конструктив резбалар, архитеруравий элементлар винтсимон зинапоя ва устунлар мавжуд бўлиб, улар қаттиқ материаллардан тайёрланилади. Изланишларини олиб бориш учун, ВҲС моделини ясашда, эгилувчан материаллардан фойдаланишни лозим топилди. Эгилувчан материалдан иборат тўғри доиравий цилиндрнинг асос айланаси диаметридан баландлиги 5-10 марта узун бўлиши маъқул. Асос айланаларини тенг бўлакга бўлиб, нуқталар ҳосил қиламиз. Топилган нуқталарнинг бир исмлиларини бирлаштирувчи чизиқлар – параллеллар(ясовчилар) чизиб оламиз. Тўғри доиравий цилиндрни эгиб, икки асосини ўзаро бириктириб, тор сиртини ҳосил қиламиз. Тўғри доиравий цилиндр сиртидаги параллел тўғри чизиқлар очиқ тор сирти параллелларига(айланаларга) айланади.


Агар тўғри доиравий цилиндрнинг икки учини ўзаро бириктириш жароёнида, бир учини қўзғалмас қилиб, иккинчи учини α бурчакга буриб уланса, очиқ тор сирти ҳосил бўлади. $\alpha = 360^0/p$, бунда: p – ясовчилар сони.


Бу ҳолда, тўғри доиравий цилиндр сиртидаги ясовчи чизиқлар ўзаро бирин кетин уланиб, фазовий берк эгри чизиқ ҳосил бўлади. Бундай чизиқ тор сиртидаги геодезик чизиқ бўлади. Ҳосил бўлган чизиқ берк геодезик чизиқ узунлиги г = р * h бу ерда h – цилиндр баландлиги.

Агар р =2 бўлса, берк геодезик чизиқ Мебиус листининг қиррасини беради(2-расм.).

Тўғри доиравий цилиндрнинг ўқи тор сиртининг айлантирувчи айлана ўқига, параллеллари эса кетма – кет уланиб яхлит бир фазовий эгри чизиқни ҳосил қилади. Агар р =2 бўлса, берк геодезик чизиқ Мебиус листининг қиррасини беради. Қирранинг исталган нуқтасидан нормаль текислик ўтказилиши мумкин. Нормаль текислик Мебиус листи қиррасини 4 та нуқтада кесиб ўтади. Бундай нормаль текислик шу нуқталар учун нормалдир. Нормаль текисликда иккита бинормаль чизиқ бўлиб, Мебиус листи қиррасидаги иккитадан нуқтани туташтириб туради.

Қуйидаги жадвалда меридионал кесимдаги кесмаларнинг ўзаро жойлашувига нисбатан олинган маълумотлар келтирилган.





2-расм. Очиқ тор сиртида геодезик чизиқ - Мебиус листи қирраси.

Меридионал кесимдаги кесмаларнинг ўзаро жойлашуви	Меридионал кесимдаги кесмаларнинг сони	Буралиш сони	Барикчалар (лепестков) сони	Сиртнинг кўриниши
	2	1,3,5,...	1	Бир томонли
		0,2,3,...	2	Икки томонли
	3	1,4,7,...	1	Бир каналли
		2,5,8,...	1	
		0,3,6,...	3	Уч каналли
	4	1,3,5,...	1	Бир каналли
		2,6,10,...	2	Икки каналли
		0,4,8,...	4	Тўрт каналли
	5	0,5,10...дан бошқа	1	Бир каналли
		0,5,10,...	5	Беш каналли
	6	3,9,15,...	3	Уч каналли
		0,6,12,...	6	Олти каналли
		1,7,13,...	1	Бир каналли
		5,11,17		
		2,8,14,... 4,10,16,...	2	Икки каналли
	7	0,7,14,...	7	Етти каналли

		0,7,14,... дан бошқа	1	Бир каналли
	8	1,9,17,...	1	Бир каналли
		7,15,23,...		
		2,10,18,... 6,14,22,...	2	Икки каналли
		3,11,19,... 5,13,21,...	1	Бир каналли
		4,12,20,...	4	Тўрт каналли

Текис эгри чизиқга танланган нуқтадан фақат битта уринма ва нормаль ўтказилиши мумкин. Фазовий эгри чизиқларга танланган нуқтадан чексиз бир текисликда ётган уринма тўғри чизиқлар ўтказилиши мумкин. Бундан танланган нуқтадан, уринма текисликга перпендикуляр бўлган, нормаль текислик ўтказиш мумкинлигини беради(3). Меридионал кесимдаги кесмаларнинг сони 2,3, 5,7, 11, 13 бўлганида натижалари фақат икки ҳил, бир ва 2,3, 5,7, 11, 13 ли барикли бўлиши кузатилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмонов Ш., Мадумаров К.Х. К геометрии поверхностей, гранями которых служать ленты Мебиуса. Вопросы динамики сооружений и надежности машин. Сб. конф..ТашПИ. вып. 4-Наманган,1988.с.16-28.
2. Вальков К.И. Лекции по основам геометрического моделирования.-Л., 1975,-179.
3. Гильберт Д., Кон-Фоссен С. Наглядная геометрия. -3-изд. –М. : 1981.-344 с.
4. Мадумаров К.Х., Махкамов Г.У. Графические способы изображения замкнутых винтовых поверхностей. Высшая школа. Научно- практический журнал№7. 2017г. Стр.33-37.

УДК. 621.548.

ВЕРТИКАЛ ЎҚЛИ ШАМОЛ АГРЕГАТИ РОТОРИ ҚАНОТЛАРИНИНГ ИШЧИ ҲОЛАТЛАРИ

Деҳқонов Улуғбек Ғофурович
НамМҚИ, т.ф.н. доцент, znaniyasila7@yandex.ru. +998932424851

Акбаров Абдураҳмон Иминжон ўғли
tkyodgor@gmail.com +998972166692


Аннотация.Мақолада шамол агрегати вертикал ўқли ротори ананавий конструкциясининг қаноти пластинкалари сонини танлаш, мақбуллаштириш масаласи ечилган. Бу роторниг амалий қўллаш мумкинлигини исботи бўлиб ҳизмат қилади.

Аннотация.В статье решена задача выбра количества пластинок и их оптимизация крила ротора ветрового агрегата с вертикальной осью вращения, что даказивает практический применимость таких конструкции роторов.

Таянч сўзлар: Шамол, ротор, қанот, бурилиш бурчаги, агрегат, конструкция, радиус, пластинка, инерция момент, бурчакли тезлик

Ключавые слова: Ветер, ротор, крильа, угол поворота, агрегат, конструкция, радиус, пластинка, момент инерции, угловая скорость

Маълумки, кейинги йилларда шамол энергиясини ўзлаштириш бўйича жуда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, илмий – тадқиқот ишлари олиб борилмоқда [1], [2]. Шамол агрегатиниг вертикал ўқли роторларининг бир қатор янги конструкциялари иҳтро қилинди [3]. Вертикал ўқли роторларнинг афзаллиги шуки, улар қантга тушувчи шамол босимини ортиб кетишига йўл қўймайди. Қуйида унинг кўплаб вертикал ўқли роторлар учун умумий бўлган конструкциясининг қанотлари ишчи ҳолатлари таҳлил қилинади (1-шакл).



1-шакл: Шамол агрегати вертикал ўқли роторининг классик конструкцияси

Унга кўра ўз ўқи Z атрофида айланувчи вал 1 га пластинкаларни шарнирлар 4 ёрдамида тутиб турувчи юқорида 2 ва пастда 3 стерженлар маҳкамланган ва унга қанотлар ўрнатилган. Валнинг ўзи юқори ва пастки қисмларидан подшипниклар ва потпятник 5 га маҳкамланган. Қанот пластинкаларининг ҳолатига кўра, шамолни тўсиб қолувчи ёпиқ 6 ва


шамолни ўтказиб юборувчи очиқ 7 вазиятларда бўлиши мумкин. Пластинкалари ёпиқ ҳолатда бўлган қанот шамол босимини қабул қилади. Айтайлик, роторнинг ўнг томони шамол босимини қабул қилиб, чап томони уни ўтказиб юбориши ҳисобига босимлар фарқи юзага келса, ротор соат милига қарши бирор ωр бурчакли тезлик би-лан айланма ҳаракат қилади. Қанотнинг ўнг томонидан чап томонига ўтиш чегарасида унинг пластинкалари 1350 га бурилади ва ўнг томонга ўтгунга қадар ўз ўқлари атрофида эркин айлана олишлари мумкин эканидан шамол тезлигининг йўналиши υ га параллел ҳолатлари 7 ни сақлаб қолишга мажбур бўладилар

Пластинкаларнинг бу ҳаракат қонунияти шамол тезлигининг турли йўналишларида ҳам ротор бурчак тезлиги йўналишини сақлаб қолишига имкон беради. Кўриниб турибдики, ротор қанотлари ҳар бир айланиш даврида, шамол босимини қабул қилишига кўра ўзларининг турли вазиятлари билан тавсифланади. Ротор динамикасига таъсир қилувчи бу тавсифли вазиятлар, асосан, 4 хил бўлади. Уларни ротор қанотларининг сони n=6 бўлган ҳолида кўриб чиқайлик (2-шакл).

1. Активлик ҳолати: қанотнинг юзаси тўлиғича шамол босимини қабул қилади. 3-шаклда 1-қанот *активлик* ҳолатида.

2. Қисман активлик ҳолати: бунда қанот ўзидан кейинги келаётган қанотнинг юзаси сабабли шамол йўналишидан қисман тўсилиб қолади. 2-қанот *қисман активлик* ҳолатида бўлиб, у шамол йўналишидан 1-қанот ҳисобига қисман тўсилиб қолган.

Активлик ва қисман активлик ҳолатлари биргаликда қанотнинг *ишчи ҳолати* деб юритилади.



2-шакл. Ротор қанотларининг тавсифли ҳолатларини кўрсатишга доир

3. Пассивлик ҳолати: агар қанот ўзидан кейинги келаётган қанот сабабли шамол йўналишидан тўла тўсилиб қолса, у система учун фойдали иш бажармайди, шунинг учун бу вазият қанотнинг *пассивлик ҳолати* деб аталади. Шаклда 3-қанотлар пассивлик ҳолатида.

4. Қаршилик ҳолати: бу ҳолатда қанот пластинкалари очилган ҳолатда бўлиб, шамол йўналишига қарама-қарши ҳаракат қилади (4, 5, 6-қанотлар).

Энди қанотларнинг ушбу тавсифли ҳолатлари интерваллларини аниқлайлик. Бунда роторнинг фақат битта қанотининг ҳаракатини текшириш етарли бўлади, чунки қанотлар даврий ҳаракатда бўлганлиги ва у 2π га тенг эканидан топилган қонуният барча қанотлар учун ҳам тааллуқли бўлади.

3-шаклда қанотлар сони 4 та бўлган роторнинг сехематик кўри-ниши тасвирланган. Бунда қанотлар орасидаги бурчак θ бўлиб, қуйи-дагича аниқланади:

$$\theta = \frac{2 \cdot \pi}{n} \qquad (1)$$

бунда, n-роторнинг қанотлар сони.

У ҳолда шамол йўналиши билан 1-қанот текислиги орасидаги бурчакни φ деб олганимиз учун 2-қанот текистлиги билан шамол йўналиши орасида ҳосил бўлган φ_2 бурчакни қуйидагича белгилашимиз мумкин:

$$\varphi_2 = \varphi + \theta \qquad (2)$$

2-қанот ҳаракатини текширайлик: фараз қилайлик, агар роторни бурчак тезлиги ω_p йўналишига қарама-қарши томонга фикран, бирор φ бурчакка бурсак, 2-тенгликка кўра 2-қанот шамол йўналишига нисбатан $\varphi_2=\theta$ бўлган бурчак бўйича жойлашади. У ҳолда қанотнинг бу ҳолатига келгунига қадар ўтган йўлида, яони $0<\varphi<\theta$ интервалдаги ҳаракатида актив ҳолатда бўлганини кўришимиз мумкин. Роторнинг бундан кейинги ҳаракатида 2-қанот, 3(а)-шаклда тасвирланганидек қисман актив ҳолатига ўтади. Унинг қисман актив ҳолати 1-қанотнинг ортига тўлиқ ўтиб бўлгунига қадар давом этади (4(б)-шакл). Яъни, бунда қуйидаги тенглик қарор топган вазиятда бўлади:

$$\ell \cdot Sin\varphi = \ell \cdot Sin(\varphi + \theta) \qquad (3)$$

(3) ни φ га нисбатан ечамиз ва $\varphi=\varphi_1$ деб қисқа ўзгартириш билан ёзамиз,

$$\varphi_1 = \operatorname{arctg} \frac{\operatorname{Sin}\theta}{1 - \operatorname{Cos}\theta} \qquad (4)$$

бунда, φ_1-2-қанотнинг қисман актив ҳолатидан чиқиш чегарасининг 1-қанот бурилиш бурчаги орқали ифодасини кўрсатади. Бу қиймат ротор қанотининг актив ва қисман актив ҳолатларининг ўзгариш чегарасини белгилайди. Демак, $0<\varphi<\varphi_1$ интервалда битта актив ва битта қисман актив қанотлар ишчи ҳолатда бўлса, $\varphi_1<\varphi<\theta$ интервалида фақат битта актив қанот ишчи ҳолатда бўлади. У ҳолда 2-қанотнинг қисман актив ҳолатининг ниҳояси 1-қанот бурилиш бурчаги φ нинг қиймати (4) тенглик қийматига тенг ($\varphi=\varphi_1$) бўлганида, яони 2-қанотнинг бурилиш бурчаги (2) тенгликка кўра қуйидаги қийматга етганида юз беради:

$$\varphi_2 = \operatorname{arctg} \frac{\operatorname{Sin}\theta}{1 - \operatorname{Cos}\theta} + \theta \qquad (5)$$

Демак, қанотнинг қисман актив ҳолатининг интервали $\theta<\varphi<\varphi_2$ кўринишда бўлади. Юқорида келтирилган мулоҳазалар қанотнинг пассив ҳолати ва қаршилик ҳолатлари мос равишда $\varphi_2<\varphi<\pi$, $\pi<\varphi<2\pi$ интерваллларда бўлишини кўрсатади. Аниқланганларга кўра роторнинг қанотлар

сони $3<n<6$ бўлганида, уларнинг тавсифли ҳолатларининг ўзгариш интерваллларни кўрсатувчи 1-жадвални тузишимиз мумкин.

1-жадвал.

Қанот тавсифий ҳолатини белгиловчи интерваллар

Қанот-лар сони	**Тавсифли бурчак интерваллари**			**Қанот ҳолатларининг ўзгариш интерваллари**			
	θ	φ_1	φ_2	1-ҳолат	2-ҳолат	3-ҳолат	4-ҳолат
3	120	30	150	0; 120	120;150	150;180	$\pi<\varphi>2\pi$

4	90	45	135	0; 90	90; 135	135;180	π<φ>2π
5	72	54	126	0; 72	72;126	126;180	π<φ>2π
6	60	60	120	0; 60	60; 120	120;180¦	π<φ>2π

Текширишларга кўра қуйидаги ҳулосаларни келтирамиз:

1. Роторнинг актив ва қисман актив ҳолатларининг бир вақтдаги умумий сони иккитадан ошмайди;
2. Қанотлар сонинг ортиб бориш билан уларнинг ишчи ҳолати интервали камайиб боради.
3. Қанотлар сонинг олтитадан ортиши рентабеллик (самарадорлик) ни ортирмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Шефьтер Я.И. Ветроэнергетические агрегаты. Москва.:1998.-285 стр.
2. Шефьтер Я. И. Использование энергии ветра. Москва.: 2000.-168 стр.
3. Патент ЎзР ИДРР №2118/23.08.94.Исмоилов С., Деҳқонов У// Ўзбекистон Республикаси патенти, 1994.
4. Деҳқоонов У.Ғ. Шамол ҳудудининг энергетик потенциали. ФарПИ, Илмий-техника журнали, №3(4)-сон. Фарғона, 1998 й.
5. Жўраев А., Деҳқонов У.Ғ., Шамол қурилмасининг ҳаракатлантирувчи моменти ва қувватининг ҳисоби, Механика муаммолари. Тошкент, №3-сон, 1997 й, ЎзФА «ФАН» нашриёти.
6. Dehqonov Ulugbek, Tillaboyev Yodgorjon. “Rotors Of Wind Aggregates and TheirConstruction Problems, International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT)”. Vol. 27 No. 1 Junio 2021, pp.148-154.
7. Dehqonov Ulugbek, Zokirjon Mahmudov. “The use of non-conventional power sources is a requirement of the period”. Academicia Globe: Inderscience Research, Volume 2, Issue 7, July, 2021. pp. 121-126.

UDK. 629

ELEKTROMOBILLARNING JIZZAX SHAHRI HUDUDIDA ZARYADLOVCHI STANSIYALARINI RIVOJLANTIRISH USULLARI

Raxmatov Utkirjon Farxod o‘g‘li,
JizPI, o’qituvchi

Annotatsiya: Ushbu maqolda avtomobilsozlikning rivojlanish tarixi va hozirda elektromobillarning mamlakatimiz va dunyodagi o‘rni haqida gap ketadi. Bundan tashqari elektromobillarning O‘zbekiston hududida ekspluatatsiyasini rivojlantirish uchun ularga mamlakat hududida zaryadlash stansiyalarini takomillashtirish usullari haqida so‘z yuritiladi.

Abstract: In this article discussed the history of the automotive industry and the current role of electric vehicles in our country and in the world as well. In addition, in order to develop the operation of electric vehicles in Uzbekistan, there is given several ways to improve charging stations in the country.

Аннотация: В статье рассмотрена история автомобилестроения и современная роль электромобилей в нашей стране и в мире. Кроме того, с целью развития эксплуатации электромобилей в Узбекистане рассказан о способах улучшения зарядных

станций в стране.

Kalit so‘zlar: Avtomobilsozlik, elektromobil, zaryadlash stansiyasi, ekspluatatsiya.

Keywords: Automotive industry, electric vehicle, charging station, operation.

Ключевые слова: автомобильная промышленность, эксплуатация, электромобиль, зарядная станция.

Kirish. Insoniyat kashfiyotchiligining mevasi bo‘lgan avtomobil, hozirgi kunda barcha sohalarni rivojlanishida o‘zining katta hissasini qo‘shib kelmoqda. Hozirgi globallashuv zamonda avtomobilsozlik juda muhim ahamiyatga ega bo‘lib insoniyat hayotiga o‘zgarishlar olib kirdi. Avtomobilsozlik tarixiga nazar solsak XVIII asrga sayohat qilamiz.

Avtomobillarning birinchi avlodlari ot tortadigan aravalar shaklida ishlanib, unga oldingi g‘ildirakni aylantirish uchun bug‘ dvigateli o‘rnatilgan. Avtomobil kashfiyotchilarning bug‘ dvigatelini rivojlantirish, takomillashtirish va uning ustida uzoq yillar moboynida tinimsiz ish olib borilishi natijasidir. Bir necha yillar davomida bug‘ dvigateli asosida bir qancha o‘ziyurar avtomobillar yaratildi. Birinchi mukammal harakatlanuvchi bug‘ avtomobilini 1769-yilda fransuz harbiy injeneri Nikol-Jozef Kyunyo yaratdi.

Bu avtomobilida bug‘ dvigateli oldingi g‘ildiragiga o‘rnatilgan bo‘lib, oldingi g‘ildirak ham yetakchi ham boshqariluvchi bo‘lgan. Bug‘ dvigatelining bunday o‘rnatilishi aravani boshqarishda qiyinchiliklar tug‘dirardi, chunki g‘ildirak o‘ng yoki chap tomonga burilganda u bilan birga katta hajmga ega bo‘lgan bug‘ qozoni ham buriladi. Kyunyoning bug‘ avtomobili asosan yuk tashishga mo‘ljallangan bo‘lib ko‘proq harbiy maqsadlarda (artileriya qurollari va snaryadlarni tashishda) qo‘llanilgan. Avtomobilning umumiy og‘irligi 4 tonna bo‘lib, uning tezligi 3 tonna yuk bilan 2-4 km/soatni tashkil qilgan. Ushbu bug‘ avtomobilini dastlabki yuk avtomobili deyish mumkin. Avtomobil ikki ot kuchiga teng bo‘lgan quvvatga qiyinchilik bilan erishardi. Qozon katta hajmga ega bo‘lib, buning bosimi tez orada pasayib qolardi. Bosimni bir maromda ushlab turish uchun har chorak soatda to‘xtab olovni kuchaytirish kerak bo‘lgan. Bu muolaja «kochegar» tomonidan amalga oshirilgan va ko‘p vaqt talab qilar edi.[1]

Adabiyotlar tahlili va metodlar. Mazkur maqolani tahlil qilish jarayonida ilmiy bilishning mantiqiylik, tarixiylik, izchillik va obyektivlik usullaridan keng foydalanildi. Bunda, elektromobillarga yurtimizda elektrostansiyalar yaratish va elektromobillarni ommalashtirish asosiy obyekt sifatida olingan. Maqolani yoritishda yengil avtomobillarning tarixi, tuzilish va ichki yonuv dvigatellar ishlash prinsplari va elektromobillarga mamlakat hududida ommalashtirishning usullarini targ‘ib qilish nuqatayi-nazaridan tahlil etildi.

Natija va tahlillar. ‘‘Hozirga davrga kelib ichki yonuv dvigatellarining mamlakatimiz miqyosida eng keng tarqalgan turi bu injektrli va karbyuratorli ta’minlash tizimiga ega turlaridir. Ya’niki benzin yonilg‘i turida harakatlanadigan. Hozirgi kunda yurtimizda yonilg‘ining muqobil turi metan va propan gazlaridan foydalanishmoqda, bu albatta haydovchiga iqtisodiy samaradorlikka erishishgan imkon yaratadi. Lekin, quyida metan gazining salbiy jihatlariniham sanab o’tishimiz kerak: (1-rasm)

Yuqoridagi keltirilgan sabablar avtomobilning metan gaz yonilg‘isida harakatlanishga bo‘lgan ishonchni keskin tushishiga olib keladi.

Benzin yonilg‘i turida harakatlanish aslini olganda ancha qulay va yuqorida keltirilgan holatlar yuz bermaydi, lekin hozirda iqtisodiy samaradorlik jihatidan qimmat yonilg‘i turi hisoblanadi.


Ayniqsa, 2021-yil, pandemayadan keyingi davrda benzinning narxi keskin ko‘tarildi va qo‘shni davlatlar bilan solishtirganda 2 barobar narxlar tafovuti yuzaga keldi. (1-jadval.)

O‘zbekiston sharoitida Uzavtomotorsda ishlab chiqarilgan avtomobil Chevrolet spark benzin yonilg‘i turida harakatlansa 100 km uchun shahar sharoitida yoz kunlari kondetsionersiz 7 litr, kondetsioner qo‘shilsa 10 % gacha qo‘shimcha yonilg‘i sarfi yuzaga keladi, bu degani

taqriban 7,5-7,7 litrgacha yonilg‘i sarf qiladi. Agar ushbu ko‘rsatkichlarni yuqoridagi narxlarga bog‘lasak:

100 km masofa uchun benzinda sarf maksimum holda 70500 so‘mgacha (Ai-92 benzinda 7.5 litr uchun 9400 so’mdan hisoblansa). Ushbu holatni metan uchun qarab chiqsak 21000 so’mgacha (2800 so’mdan hisoblansa). Xiyotda ishlab chiqarilgan elektromobil Xpeng G3 ko‘rsatkichiga e’tibor qilsak battariya sig‘imi 57 kW va bu batariya sig‘imi bilan 460 km masofa bosadi. Bu ko‘rsatkichlar orqali 100 km uchun hisoblab chiqsak 3655 so‘mni tashkil qiladi*.[8]

Havfsizligi – ushbu ekspluatatsiyaga joriy etilayotgan avtomobillar xarakatlanish jarayonida havfsizlik talablariga to‘laqonli javob beradi, shunigdek shovqinsiz. Bu esa haydovchi va yo‘lovchilarning harakat davomida ortiqcha shovqindan halos etadi, bu orqali haydovchining yo‘lda charchashini nisbatan kamaytiradi.



1-rasm. Gaz yonilg‘isining yengil avtomobillardagi salbiy oqibatlari.[2]

1-jadval.

Hozirda benzin va metan gaz yonilg‘i turi uchun narxlar**

BENZIN NARXI	O‘ZBEKNEFTGAZ	LUKOYL	MUSTANG	METAN
АИ-80	6890	8 490	6800	2800
АИ-91				
АИ-92	9400	9 990	9800	
АИ-95	10000	10790	10500	

Ekologik havfsizligi – elektromobil 100% atrof – muhitga zarasiz hisoblanib yevro ittifoqning texnik talablariga to‘liq javob beradi. [3]

Yuqoridagi hisob kitoblardan shu aniq bo‘ladiki, hozirda elektromobillarning ekspluatatsion harajatlari qolgan yonilg‘i turlariga nisbatan ancha arzon bo‘lishi ma’lum bo‘ldi. Bu esa yaqin orada Respublikamiz hududida elektromobillarning soni oshishi ehtimoli mavjudligini bildiradi.

* - *ya’ni bu yerda 1 kW elektr toki 295 so‘m qilib olindi*

** - *Yuqorida berilgan ma’lumotlar 2022-yilning yanvar-fevral oylaridagi holatlardir*

Ushbu yuqoridagi faktlarga asoslangan holda mamlakatimiz hududidagi zaryadlovchi stansiyalar sonini butun Respublika miqyosida to‘gri taqsimot qilgan holda o‘rnatish lozim. Agar biz elektromobillarning mamlakatimizga olib kirilishini o‘tgan 4 yil kesimida qaraydigan bo‘lsak.(2-jadval)

2-jadval.


O’zbekiston Respublikasiga o‘tgan yillar davomida import qilingan elektromobillar soni.

Elektromobil Import qilingan yil	Import qilingan elektromobillar soni
2018	**13**
2019	**39**
2020	**131**
2021	**809**

1-diagramma. 2018-yildan 2021-yilgacha import qilingan avtomashinalar soni foizda.[7]

Yuqoridagi jadval va diagramma asosida shuni ko‘rishimiz mumkinki hozirgacha mamlakat hududiga olib kirilgan elektromobillarning 82% qismi aynan 2021-yilda olib kelingan avtomobillarga tog‘ri kelmoqda. Albatta bu faktlarni inobatga olgan holda ularga elektr zaryadlovchi stansiyalar sonini mutanosib tarzda loyihalash zarur. Hozirda aynan shu holatda faqatgina Respublika miqyosida Toshkent shahridagina loyihalash ishlari amalga oshirilmoqda va elektromobillar uchun qulaylikalar yaratilmoqda [4].

Zavod tomonidan berilayotgan texnik ko‘rsatkichlarga e’tibor bersak elektromobillar 220V hamda 380V kuchlanishdaham zaryad olish imkoniyati yaratilgan ya’ni sekin va tez quvvatlash moslamalari o‘rnatilgan. Bilamizki xonadonlarda 220V kuchlanishga ega va ushbu holatda uydaham quvvatlash imkoniyati mumkindir, lekin bu holatda vaqt unumdorligi pasayadi, ya’ni to‘liq quvvatlash uchun o‘rtacha 8-9 soat (Xpeng G3 220Vda) vaqt davomida quvvatlash kerak bo‘ladi. 380V kuchlanishda esa 30 daqiqda 80% quvvat olish imkoniyati yaratilgan.[9]




Jizzax shahri hududida 2021-yil Noyabr oyida birinchi elektromobil quvvatlash stansiyasi ishga tushirildi. Yangi ishga tushirilgan quvvatlash stansiyasi avtomobillar uchun Amir Temur MFY hududida joylashgan UZNEFTIGAZ yonilg‘i quyish shahobchasi hududida amalga oshirilmoqda. Va ushbu amalga oshirilayotgan loyihalar kelajak uchun qo‘yilgan poydevor misolidir.

XULOSA

Yuqoridagiga keltirilgan faktlar asosida shuni aytishimiz kerakki, 2022-yildan boshlab mamlakat hududiga olib kiriladigan elektromobillar soni bundanham yuqorilash kutiladi. Bundan tashqari prezidentimiz topshirig‘iga binoan hozirda Respublika hududida elektromobil ishlab chiqaruvchi zavodlar qurilishi boshlangan va kelajakda mamalakatimiz o‘z elektromobiligaham ega bo‘ladi.

Xulosa o‘rnida shuni aytishimiz kerakki, hozirda yangi qurilayotgan avtomobil quvvatlash stansiyalarini o‘rnatishga bo‘lgan loyihalanadigan joylar ko‘p. Ushbu loyiha o‘rinda aytishimiz mumkin bo‘lgan elektr zaryadlash stansiyalarni bozorlar, supermarketlar, avtorurarghlar, ko‘ngilochar bog‘lar avtoturargohlari hududida, va savdo markazlari avtoturargohlari hududlarida tashkil etish maqsadga muvoffiqdir. (2-rasm.)



2-rasm. Elektromobillar uchun Jizzax shahri hududida qad rostlashi mumkin bo‘lgan quvvatlovchi stansiyalar uchun xarita.

1- “Eski shahar” buyum bozori avtoturargohi.
2- “O‘rda ekologik” bog‘i hamda “Coworking” markazi avtoturargohi.
3- “Paradise” savdo markazi avtoturargohi.
4- “Korzinka” supermarketi avtoturargohi.
5- Islom Karimov Shoh ko‘chasi.
6- “Jizzax Politexnika Instituti” Texnopark markazi (Loyiha).
7- Ko‘k bozor avtoturargohiga.

Aynan ushbu, yuqorida ko‘rsatilgan joylarda quvvatlash stansiyalarini tashkil etish albatta kelajakda ushbu joylarga aholining tashrifini birmuncha o‘stiradi va ushbu joylar iqtisodiy samaradorlikka erishish imkoniyatini oshiradi. Albatta bunga o‘xshahs joylar talaygina lekin avtomobillar oqimiga ko‘ra loyiha kengayish ehtimoliham mavjud.

Foydalilik jihatlariga, ekologiyaga zararli ta’siri yo‘qligi, bundan tashqari avtomobillar “parkovkalash”dagi imkoniyatlarniham oshirishi. Yerosti qazilma tabiiy boyliklarni tejash imkonini beradi. Va yuqorida aytib o‘tilganidek, qish faslida hozirda mamlakat hududida tabiiy gazning barcha hududlarga “stabil” yetkazilishini ta’minlabgina qolmay balki narx navodagi ko‘tarilishni oldini oladi.

АДАБИЁТЛАР

1. Avtomobilning umumiy tuzilishi: Darslik / Akilov A.A. va boshq. –T.: O’zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – 142 b.

2. Baxtiyorovich, A. I., & Ogli, R. U. F. (2021). YENGIL AVTOMOBILLARDA

YOQILGI SARFINI KAMAYTIRISH USULLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(1).

3. ЭКОЛОГИЯ АВТОМОБИЛИ. Доц О.К.Адилов,М.Абдурахманов, С.Имомназаров

4. Raxmatov, O., & Sotvoldiyev, X. R. O. G. L. (2021). AVTOTRANSPORT VOSITALARIGA MAVSUMIY SERVIS XIZMAT KO'RSATISH TURLARI VA ULARNING XARAKAT XAVFSIZLIGIGA TA'SIRI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *1*(10), 1147-1151.

ИККИ КЛАПАНЛИ МАЖБУРИЙ САЛТ ИШЛАШ ЭКОНОМАЙЗЕРИНИ АВТОМАТИК БОШҚАРИШ ТИЗИМИ

Атаханов Хошимжон Боймирзаевич,
НамМҚИ, катта ўқитувчи, Atahanovh1965@mail.ru, +998906403440

Устабоев Абдулло Рахимжонович,
НамМҚИ, ўқитувчи, aaustaboyev@gmail.com+998935883314

Турғунов Зокиржон Хошимбоевич,
НамМҚИ, ўқитувчи, Zokirjont@inbox.ru, +998993225961

Рустамов Иброхим Абдубаннобович,
НамМҚИ, ўқитувчи, ibrohim1988@mail.uz, +998999876070

Валиев Бобур Файзимурот ўғли,
НамМҚИ, стажёр ўқитувчи, dekb2105@gmail.com +998937783388

Аннотация. Мақолада икки клапанли мажбрий салт ишлаш экономайзерини автоматик бошқариш тизими бўйича маълумотлар келтирилган. Бунда икки клапанли мажбрий салт ишлаш экономайзерини автоматик бошқариш тизимини ишлаш шартлари келтирилган

Аннотация. В статье представлена информация о стабильности работы системе автоматического управления двухклапанным принудительным экономайзером. Кроме этого условия работы системы автоматического управления двухклапанным принудительным экономайзером.

Annotation. The article provides information on the stability of the automatic control system of a two-valve forced economizer. In addition, the operating conditions of the automatic control system of a two-valve forced economizer.

Калит сўзлар: экономайзер, сали ишлаш, дроссел, ЭБТ, энергия, электромагнит клапа, датчик, каскад, тортиш, қувват.

Ключевые слова: экономайзер, стабильности работы, дроссель, ЭБУ, энергия, электромагнитный клапан, датчик, каскад, сила тяжести, мощность.

Key words: economizer, stability of operation, throttle, ECU(electronic control unit), energy, solenoid valve, sensor, cascade, gravity, power.

Дунёда автомобилнинг тез суръатларда ўсиши ёнилғи сарфини камайтириш ва автомобил двигателларининг чиқинди газларининг токсиклигини камайтириш масаласи ҳар йили тобора долзарб бўлиб келмоқда.Шу муносабат билан ички ёнув двигателининг ишлашини яхшилайдиган турли хил қурилмаларни, шу жумладан электрон қурилмаларни ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда [1,2,3,4,6].

Ҳозирда ишлатилаётган мажбурий салт ишлаш экономийзерини автоматик бошқариш тизимлари (ЭАБТ) двигателларнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Экономайзерни салт ишлаш режими ёнилғини тежайди [1,2,3,4,5,6,7].


Двигателн салт ишлаганда, мажбурий тормозлашда, узатмалар қутисини алмаштириб қўшиш ва бошқа ҳаракатларда бу тизим ишлайди. Ушбу режимда двигател тирсакли валининг айланишлар сони кўпайишга олиб келади, двигател салт ишлаганда айланиш частотасини камаяди ва газ педалини тўлиқ ёпилганда (карбюраторда дроссел заслонка ёпиқ), двигателни автоматик бошқаришдир.Ушбу режимда двигателга қувват бериш талаб қилинмайди. Тирсакли вал ёнилғи ёниш ҳисобига энергияни олмасдан, балки валнинг инерцияси кучи туфайли айланади. Шу сабабли, цилиндрларга бериладиган ёнилғини мажбурий етказиб берилиши нафақат фойдасиз, балки зарарлидир, чунки ёнвчи аралашма тўлиқ ёнмаганлиги сабабли двигателнинг чиқинди газларидаги заҳарли компонентлар миқдори кескин ошиб боради [7,8,9,10,11,12].

Шаҳар транспортида салт ишлаш режимининг автомобилнинг умумий ишлаш вақтидаги улуши одатда 20 + 30% дан ошмайди, тоғли йўлларда у 50% га яқинлашади (пасга тушишда двигателнинг тормозлаш) [7,8].Мажбурий салт ишлаш экономизаторни автоматик бошқариш тизими (МСЭ АБТ) двигател мажбурий салт ишлаш режимда ишлаётганида ёнилғи таъминотини тўхтатиш учун мўлжалланган.

Ёқилғи тежамкорлиги бу ҳолда двигателнинг салт ишлаши вақтидаги ёқилғи сарфини кўпайтирилишига тенгдир. Ҳайдовчи маълум бир автомобилни ҳайдаш услубини ривожлантирганда, шаҳар шароитида ёқилғи тежамкорлиги > 5% га эриши мумкин [8,9,10,11,12].

Замонавий автомобилларда мажбурий салт ишлаш экономайзерини автоматик бошқариш тизими ўз ичига қуйдагиларни олади:

- Электрон бошқарув тизими
- Электромагнит клапан (пнемоэлектромагнитли)
- Дроссел заслонкасини холат датчиги (микро қўшгич ёки винтли датчик)
- Тирсакли вални айланишлар частотаси датчиги (бирламчи чулғам КЗ)



1-расм. Мажбурий салт ишлаш экономайзерни автоматик бошқариш тизимини схемаси.

Юк автомобиллари ва енгил автомобилларнинг мажбурий салт ишлаш экономизаторни автоматик бошқариш тизимини алгоритм бошқаришда (тизим ишлаш жараёнида амал қиладиган қоидалар), схемаси ва конструкцияси билан бир оз фарқ қилади. Шунинг учун ушбу тизимларни алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Енгил автомобиллар учун мажбурий салт ишлаш экономайзерини автоматик бошқариш тизими

Енгил автамобилларда бу қурилма эканомайзерни автомат бошқариш тизими ишлаши ёқилғи-ҳаво аралашмаси салт ишлаш вақтида таъминлайди, шунингдек

пневмоэлектр клапан ва электрон бошқарув блокидан иборат бўлди. Ушбу қурилмалар тўплами "Каскад" деб номланди.

Бундай тизимдан фойдаланиш енгил автомобил двигателининг самарадорлигини оширишга ва чиқинди газларнинг токсиклигини камайтиришга имкон берди ва шу билан бирга юриш хусусиятларини сақлаб қолди. Бунда тезлик билан ҳаракатланаётган ҳаво оқимига ёнилғини пуркаб бериш керак бўлади. Двигател мажбурий ишламай қолганда, нафақат ёқилғи, балки ҳавони ҳам этказиб бера олмайди.

Бундай двигател "Каскад"ли тизим билан жиҳозланган бўлиб, салт ишлашни таъминлайди. Ҳавонинг асосий миқдори дроссел заслонкаси тўлиқ ёпиқ холда турганда уни махсус аралаштириш мосламаси орқали цилиндрга аралашиб киради. Юқори тезликда ҳаво оқимида ёнилғини аралашмасини ҳосил қилади. Шу вақитда мажбурий ишламай қолганда, двигателга нафақат ёқилғи, балки ҳаво ҳам этказиб берилмайди. Пуркаш вақтида киритиш коллекторининг юзаси беш – олти марта кичиклашади, шунинг учун буғлар ва ёқилғи плёнкаларининг ўтказувчанлиги сезиларли даражада камаяди. Ҳисоблаш техник тизим кескин (40% гача) СН камайтиришга ва двигателни тормозлаш самарадорлигини оширишга имкон берди.

Двигателни ишга туширишдан олдин дроссел заслонкаси микро тизим томонига ўтказилади. Экономайзерни игнасимон клапани ишга тушиб, дроссел заслонкаси ричак мосламасини ўчириб қўяди. Двигател ишга туширилгандан сўнг, электрон бошқарув блоки пневматик электромагнит клапаннинг электр таъминоти занжирига улайди, бу эса киритиш коллектордан қувурлар орқали ва экономайзерга вакуумга кириш имкониятини беради. Экономайзер диафрагмаси киритиш игнасини ростлаш винтини тортади ва тешикни очади.

Салт ишлашда (1300 айл/миндан кам) дроссел заслонка тўлиқ ёпилади. Кичик узгич ва улагич контактларни очиқ. Пневматик электромагнит клапаннинг электр таъминоти даври электрон блок орқали ёпилади. Бундай ҳолда, экономайзер киритиш коллектори билан уланади ва бунинг натижасида игнали клапан очиқ ҳолатда ушлаб турилади. Клапанга ўрнатилган созлаш винти орқали кўпроқ ёки озроқ ёнувчи аралашма ичкарига киради, бу эса двигателнинг салт ишлашини таъминлайди.

Юкланиш режимлари. Дроссел заслонкасини бирламчи камеранинг ричаги чап томонга очилганда, кичик узгич ва улагич ричаги бўшатлади, у ёқилади ва электрон бошқарув блокига сингари пневматик электромагнит клапан орқали этказиб беради. Двигателнинг айланишлар сони маълум бир белгиланган қийматга кўтарилганда (1500 + 1600 айл/мин ва ундан юқори), электрон бошқарув блоки ўчади, аммо пневматик электромагнит клапан кичик узгич ва улагич туфайли ишлайверади.

Мажбурий салт ишлаганда. Газ педалини қўйиб юборган вақтида (двигателнинг тормозланиши, ҳаракатланаётганда пастликга тушиш, узатмаларни қўшиб алмаштириш, мажбурий салт ишлашда ҳолатга ўтишда), яъни дроссел заслонкаси ёпилганда, қўл ричаги кичик узгич ва улагич бослади, у контактларини қўшилади.

Агар газ педалини босмасдан ўз холатида турса двигател тирсакли валини айланишлар сони 1300 айл/мин гача камайиб кетади, бунда тизим мажбурий салт ишлайди.

Газ педални босилмаган вақтида двигател тирсакли валининг айланишлар сони 1500 айл/мин дан юқори бўлса, пневматик электромагнит клапанга электрон бошқарув блогидан электр қувват берилмайди. Клапан ёпилади. Киритиш колллектрига экономайзернинг салт ишлаши тизимига орқали боғланмайди балки ташқи муҳитга чиқариш клапани "юкланиш" (шамоллатиш) тизими орқали уланади. Мажбурий салт ишлаш экономайзер клапан игнаси, коллектр орқали қабул қилинганда, киритиш тешиги мажбурий салт ишлаш тизими ёпади ва аралашмани этказиб беришни тўхтатади. Ушбу

режимда двигатель жуда самарали тормозланади ва ёқилғини истеъмол кўпаймайди.

Айланишлар тезлиги белгиланган қийматга камайганда (1100 - 1300 айл/мин) тезлик датчиги (бошқарув блоки) пневматик электромагнит клапаннинг ток қувват манбасини ёпади. Бу ўз навбатида, киритиш тешигини ёпади ва ташқи атмосфера билан қабул қилиш киритиш коллектрини боғлайди ҳамда клапанни улайди. Яна экономайзер тўлиқ ишлашини таъминлайди. Экономайзерни игнали клапани салт ишлашда очилади ва двигател цилиндрлари салт ишлаш режимида ишлай бошлайди. Агар ҳайдовчи газ педалини босса, у ҳолда пневматик электромагнит клапаннинг кучи кичик узгич ва улагич тизими остида юкланиш режимида ишлайди.


Токни пенемоэлектр клапан чулғамига юборилганда экономайзерни игнасимон клапани мажбурий салт ишлаш тизимини чиқариш тешигини ёпади ва шу билан двигател ўз-ўзидан ёнишини олдини олади.

"Каскад" тизими дроссел зослонкали кетма-кет очиладиган, икки камерали карбюраторли двигателларда фойдаланишга мўлжалланган ва ҳар бир цилиндр учун кириш каналларининг иккита алоҳида қисмига эга. Биринчиси карбюраторни бирламчи аралаштириш камерасига, иккинчиси иккиламчи камерага боғланган. Бўлимларнинг ҳар бирининг киритиш клапани ўз секциясига яқин жойда жойлашган. Шаҳарда ишлаганда паст тезликда ҳаракатланаётганда, аралашма асосан киритиш клапанини биринчи секцияси бўлими орқали киради. Иккинчи ёқилғи киритиш клапани эркин бўлади, мажбурий салт ишлаш тизимида ҳавони киритиш клапани канали бўлиб хизмат қилади. Ушбу режимда цилиндрларни ҳаво билан тозалашда биринчи қисми "қуритилмаган" ва киритиш коллектридаги вакуумнинг кучли пасайиши туфайли унинг буғланиши кескин секинлашади, у кейинги юкланиш ҳолатида ишлайди ҳамда буни тўлиқ сақланиб қолади. Бу нафақат ёнилғи сарфини камайтиради, балки тормоз пайтида мой сарфини ҳам камайтиради. Унинг асосий фарқи шундаки, у билан алоҳида ўрнатилган пневматик электр клапан ва электрон бошқарув тизими орқали ишлайди ва уни тузилиши алоҳида бўлади, мажбурий салт экономайзери, кичик узгич ва улагич ва ҳаволи дросселга иккинчи камерага уланган [14,15,16,17].

Режим	Датчикга узатилганда	
	Микро перикуличатель	Электрон бошқарув тизими
Салт ишлашда (<1300айл/мин)	йўқ	ха
Салт ишлашда (>1600айл/мин)	ха	йўқ
Юкланишда ишлаганда	ха	йўқ
Узатмарарда ишлаганда	йўқ	йўқ
Мажбурий салт ишлаганда	йўқ	йўқ

"Каскад" тизими ҳар қандай автомобил моделига ўрнатилиши мумкин, агар карбюраторли двигателларга қўшимча элементларни ўрнатиш шарти билан электрон бошқарув тизими ва ҳаволи электромагнит клапанлар ўрнатилади.

Бази бир енгил автомобилларда "Каскад" тизими ёки шунга ўхшаш карбюраторли давгателларда пневматикэлектр клапан ўрнатилган бўлади. Ҳақиқат шундаки, ушбу автомобил моделлари учун карбюраторда мажбурий салт ишлаш тизимида элекромагнит клапани мавжуд бўлиб, ўт олдириш тугаганда ёнувчи аралашмасини таъминлаш тўхтатади (двигател ишини назорат қилиш қиздириш тизимига боғлиқ) махсус электромагнит клапанга эга. Ушбу клапан мажбурий тизим ишламай қолганда ҳам ишлатилиши мумкин.



1-расм. Электромагнит клапан кўриниши.

Электромагнит клапанга ёқилғи оқими жиклёрига мажбурий салт ишлашни бирламчи камераси ўрнатилади. Корпусга мажбурий салт ишлаш жиклери тешикчаси ўрнатилган. Корпуснинг ичида игна жойлашган бўлиб, унинг учи А тешикка бирлаштирилган. Бошқа томондан, корпусга клапан пайвандлаш усулида бирлаштирилган ва электромагнит ғалтаги қўйилади. Ғалтак ўрамлари эмалланган сим билан ўралган. Ўрамни олдиги штекрга пайвандлаб қотирилган, контактли пластиналар алоқа плитасидир, клапан корпусига электр жанжири орқали қўшилган ҳамда массага улашни таъминлайди [17].

Беркитиш клапанидаги ўрамлар сони

Ўрамлар сони	3000 ± 10
Изоляция қилинмаган сим диаметри, мм	0,14
20°С қаршилик , Ом	100 ва 60

